БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 131

11 АВГУСТ ЧОРШАНБА 1954 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

СССР Олий Совети Президиумининг фармони (1-нчи бет).

БУТУНИТИФОҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВИСКАСИДА. **С. Маҳкамов.** — Қардошлик оиласида. (1-нчи бет).

Ўзбекистон Совет ёзучилари учинчи с'ездининг очилиши (1-нчи бет).

Зауральедаги колхозда қишлоқ хўжалик фани ва практикаси ходимларининг кенгаши (2-нчи бет).

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ. **У. Умарбеков, Н. Рихсиев.** — Мас'улиятсизлик оқибати (2-нчи бет).

М. Шейнман. Ватикан—империализм хизматида (2 ва 3-нчи бетлар).

Ривожланишдан кейинда қолган ғўзаларни алоҳида парвариш қилиб, барча майдонларда мўл ҳосил етиштирайлик. Т. Орипов. — Ўртача рақамлар, хотиржам раҳбарлар (3-нчи бет).

Редакция почтасидан. (4-нчи бет).

КИНО. — **А. Исмоилов.** — «Қувноқ юлдузлар» (4-нчи бет).

АҚШ коммунистик партиясининг миллий конференцияси (4-нчи бет).

Чили ҳукумат ма'мурларининг ўзбошимчалигига қарши Эрлинбургнинг норозилиги (4-нчи бет).

Маориф ходимлари халқаро федерациялари мувофиқлаштириш комитетининг XIX сессияси очилди (4-нчи бет).

Партия маорифи шохобчаларида янги ўқув йилига пухта тайёрланайлик

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ўзининг бутун шонли тарихида марксизм-ленинизмнинг қудратли ва голиб идеяларини пропаганда қилишга, кадрларимизни ва барча коммунистларни илғор революцион назария блан қуроллантиришга гоят катта э'тибор бериб келмоқда. Чунки, бу революцион назария ҳаққоний ва улуғ ишимизнинг ғалабасита бўлган ишончни оширади, коммунизмнинг нурли чўққилари сари олиб борадиган порлоқ йўлимизни машъалдек ёритиб туради.

Партия ва давлатимизнинг олтин фонди ҳисобланган кадрларимиз марксча-ленинча назариядан куч олиб, социалистик халқ хўжалигимизнинг барча тармоқларини муваффақиятли суратда бошқармоқдалар, КПСС Марказий Комитети сентябрь, февраль-март ва июнь Пленумларининг тарихий қарорларини зўр ғайрат ва юксак ижодий кўтарилиш блан амалга оширмоқдалар. Марксизм-ленинизмнинг улуғ ва енгилмас идеялари совет кишиларига янги куч ва ғайрат бағишламоқда, уларни мамлакатимиз экономикаси ва маданиятини янада ривожлантиришга илҳомлантирмоқда.

Партия маорифи шохобчалари марксизм-ленинизмни пропаганда қилиш ишини тегишли назарий юксакликка кўтаришда ҳал қилучи роль ўйнайдиган, кадрларимизни ва барча коммунистларни ижтимоий тараққиёт ва сиёсий кураш қонунлари билими блан қуроллантируччи энг муҳим воситалардан биридир. Буни яхши тушинган ва кадрларнинг марксча-ленинча ўқишини намунали уюштирган кўпгина партия ташкилотлари марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилишда гоят кўп ва бой тажриба тўпладилар, партия маорифи шохобчаларида ўқув йилини муваффақиятли якунладилар.

1953—1954 ўқув йилининг якунлари шуни кўрсатдики, область партия ташкилотлари аввалги йиллардагига қарагада коммунистларнинг ва партиясиз активларнинг марксча-ленинча ўқишига раҳбарликни бирмунча яхшилаганлар. Партия ва комсомол маорифининг барча шохобчаларида 64 мингдан ортиқ киши ўқиди. Ўтилган программани яхши ўзлаштирган тингловчиларнинг сафи кўпайди. Пропагандистларнинг состави билимдон, тажрибали кишилар ҳисобига мустаҳкамланди. Область партия комитети ҳузурида шу йил июль ойида ташкил этилган бир ойлик пропагандистлар курсини 300 дан ортиқ киши тамомлаб чиқди. Ҳозир пропагандистларнинг 75 процентдан кўпроги олий ва тўлиқсиз олий ма'лумотга эга бўлган партия, совет ходимлари ва қишлоқ интеллигентларидир.

Шу блан бирга ўтган ўқув йилида партия маорифи шохобчаларига раҳбарлик қилишда бирқанча жиддий камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Ба'зибир партия ташкилотлари машғулотларнинг ўз вақтида уюшқоқлик блан юксак савияда ўтказилишини та'минлай олмадилар. Бекобод, Сирдарё ва Паркент районларида ташкил этилган кўпчилик сиёсий мактаб ва тўгаракларда машғулотлар мунтазам давом этмади, тингловчиларнинг давомати яхши бўлмади. Гулистон, Пискент, Юқоричирчиқ ва Ўртачирчиқ район партия комитетлари пропагандистлар семинарининг ишини ҳозирги юксак талабга мувофиқ уюштира олмадилар. Партия маорифи шохобчаларига юзаки ва бирёқлама раҳбарлик қилинганлиги натижасида область бўйича ўтган ўқув йилида 1000 га яқин тўгарак ва сиёсий мактабда белгиланган программа тўла ўтилмади.

Шаҳар ва район партия комитетларининг, барча бошланғич партия ташкилотларининг ҳозирги кундаги муҳим вазифаси — ўтган ўқув йилининг якунларини атрофлича ва батафсил муҳокама қилиб, йўл қўйилган ҳато ва камчиликларнинг яна такрорланишига барҳам беришдан, партия маорифи шохобчаларида янги ўқув йилига ҳартарафлама пухта тайёргарлик кўришдан иборат. Шуни унутмаслик керакки, янги ўқув йилига ҳозирдан тайёргарлик кўриб бориш — сиёсий мактаб ва тўгаракларда ўқишни уюшқоқлик блан бошлаб юборишнинг, биринчи кунларданоқ дарсматнинг яхши бўлишига ва машғулотнинг юқори савияда ўтишига эришишнинг зарур шартларидан биридир.

Тўгарак ва сиёсий мактабларга тингловчилар танлаш партия маорифи шохобчаларида янги ўқув йилига тайёргарлик кўришда муҳим ўрин тутади. Шунинг учун бу ишга мас'улият блан қараш, тингловчиларнинг сиёсий билим даражаларини, ҳисобга олиш ва ўқиш формасини танлашда ихтиёрийлик принципига амал қилиш—партия ташкилотларининг муҳим вазифасидир. Тўгарак ва сиёсий мактабларга ўқучилар танлаш ишини 1 сентябрьгача тамомлаш ва тингловчилар составини шаҳар ва район партия комитетларининг бюро мажлисларида тасдиқлаб олиш керак.

Пропагандист — партия маорифи шохобчасида марказий фигурадир. Тўгарак ва сиёсий мактабларда машғулотларнинг ғоявий-сиёсий жиҳатдан юксак савияда ўтказилиши кўп жиҳатдан пропагандистнинг билим даражасига ва тажрибасига боғлиқдир. Шаҳар ва район партия комитетлари янги ўқув йилига тайёргарлик кўришда пропагандист кадрларни танлаш ва тарбиялаш ишига алоҳида э'тибор беришлари, 15 августга қадар барча пропагандистларнинг, партия кечки мактаблари ва доимий семинар раҳбарларининг составини қайтадан кўриб чиқишлари керак. Пропагандистлар составини назарий жиҳатдан етарли тайёргарлиги бор, Коммунистик партиянинг ғолиб идеяларини оммага қизиқарли ва тушунарли қилиб етказиш маҳоратини эгаллаган, партиянинг кўрсатмаларини оғишмай амалга ошириш учун астойдил курашадиган коммунист ва комсомоллар ҳисобига тўлдириш ҳамда уларни шаҳар ва район партия комитетлари бюросининг тасдиқидан ўтказиш керак.

Партия пропагандасини кенг йўлга қўйишда, партия маорифи шохобчаларида янги ўқув йилига тайёргарлик ишларини кучайтиришда партия комитети кутубхоналарининг роли гоят катта ва мас'улиятлидир. Улар марксизм-ленинизм идеяларини пропаганда қилишнинг чинакам маркази, кадрларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан чиниқтириш ва тарбиялашнинг ҳақиқий мактаби сифатида янги ўқув йилига тайёргарлик кўришда ташкилотчи ва ташаббусчи бўлишлари керак. Партия кутубхоналари пропагандист ва тингловчиларни танлашда, уларни зарур адабиёт, қўлланма ва тегишли материаллар блан та'минлашда партия ташкилотларига яқиндан ёрдам беришлари лозим.

Мамлакатимизда коммунизм қурилишининг улуғвор вазифалари кадрларимизнинг сиёсий билим даражасини юксак даражага кўтаришни, марксизм-ленинизм пропагандасини тобора кучайтиришни талаб этади. Кадрларимизни дун'ёда энг илғор ва революцион назария бўлган маркса-ленинча назария блан пухта қуроллантирайлик, партия маорифи шохобчаларида янги ўқув йилига тайёргарликни ҳартарафлама кучайтирайлик!

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Академик Александр Александрович Скочинскийга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони бериш тўғрисида

Кон саноатини ривожлантириш ва илмий-техника кадрлари тайёрлаш соҳасидаги катта хизматлари учун ҳамда туғилган кунига саксон йил тўлиши муносабати блан академик Александр Александрович **Скочинскийга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони** унвони берилсин ва унга Ленин ордени ҳамда **«ўроқ ва болга»** олтин медали топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. ПЕГОВ.

Москва, Кремль.
1954 йил 9 август.

БУТУНИТТИФОҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВИСТАВКАСИДА

ҚАРДОШЛИК ОИЛАСИДА

Икки табақали катта дарвоза ёпиқ турган пайтда узоқроқдан қарасангиз, у, оппоқ гулли гиламни эслатади. Муҳташам бино ёнида ўз гўзаллиги блан ҳаммани мафтун қилаётган пальма дарахтининг узун япроқлари шабадада ўйнайди. Бу серқуёш Грузия ССРнинг павильони. Ғуломмаҳмуд Абдуллаев, Туроб Нормуҳамедов ўртоқлар эрталаб нонуштадан кейин тўппа-тўғри Грузия павильонига келишди.

Ана шу гулли гиламни эслатучи дарвоза очилиб, одамлар оқими тўхтовсиз келиб турган эди. Кираверишда, ўнг томонда улуғ Ленин ишларининг улуғ давомчиси И. В. Сталининг катта портрети қўйилган. И. В. Сталин гўзал боғларга, совет давлати даврида бун'ёдга келган чиройли шаҳарга меҳрибонлик блан назар ташлаб турарди.

Ғуломмаҳмуд Абдуллаев, Туроб Нормуҳамедовлар павильон залларига бориш учун бурилганларида Янгийўл районидаги Сталин номли колхозининг раиси Абдулла Ортиқовга дуч келишди. У ҳам ўша расмга тикилиб турган экан. Уч киши ҳамдамлашиб чап томондаги залга киришди: меваларнинг ҳамма хилидан намуна қўйилган. Тухумдай катталикдаги олхўри, самовар чойнакдай олма, лимон, апельсин, мандарин... Буларни кўрган киши бу хилдаги мевалар Грузияда кўплаб етиштирилишини, мўл-кўл эканлигини дарров пайқаб оларди.

Украина ССР павильони. Н. Грановский фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

— Биз пахтакормиз, бу ердаги экинлар сизларга кўпроқ таниш, — деди Абдуллаака ҳазиллашиб, — ўстириш йўлларини сўзлаб берасизлар-да...

— Пахта битган жойда лимон ҳам битаверади Абдулла ака, — кулиб жавоб берди Туроб Нормуҳамедов, — ҳарбир колхознинг ўз лимони бўлса ёмон бўлмайди.

— Ўстириш йўлини билиб олсак, деган умид блан шу ерга келдик, бизда ҳам лимон бўлади...

Уччаласи стендларни кўздан кечиришар экан, қизиқ суҳбатлашар, таассуротларини йўл-йўлакай ўртоқлашар эди. Улар Махарадзе районининг муваффақиятлари кўрсатилган стенд ёнида узоқ вақт бўлишди. Бу район республикада катта чой майдонига эга бўлган районлардан биридир. 12868 гектар субтропик экин майдонининг 8051 гектарини чойзорлар ташкил қилади. Районда хушбўй ва юқори ҳосилли грузия чойи етиштирилмоқдаки, уни СССРнинг ҳамма шаҳар ва қишлоқларида зўр қониқиш блан истеъмол қилинаётир...

... Поёнсиз чой далалари намоён бўлади. Бу ерда ишнинг кўпи механизация асосида бажарилмоқда, шунинг учун ҳам чой етиштиришдаги меҳнат анча осонлашиб, — ўстириш йўлларини сўзлаб берасизлар-да...

— Бу ердаги лимон, апельсин ва мандарин дарахтларининг кўпи илгариги виставкада олиб келинган экан. Улар шу давр ичида теплицада ўстирилаётгани учун маҳаллий шароитга бир мунча кўникиб қолган. Дарахтларнинг ҳар йили ҳам мўл ҳосил бераётганлигини айтиб беришди...

Ризаматота раисларни «Новогрузинский» нав'ли лимон дарахти ёнига олиб келди. Гўё ўз боғидагидек, бу ердаги ҳарбир дарахтнинг аҳволи унга ма'лум. Янги сорт лимон тўғрисида ҳаяжонланиб сўзларди.

— Мана бу «Новогрузинский» нав'ли лимон тиканли лимонлар оиласига киради, у совет олимлари томонидан етиштирилган, ҳосил жиҳатидан кўпгина бошқа нав'лардан устун туради...

Дарҳақиқат, лимон дарахтининг тўқ кўк япроқли шохларида ҳосил кўп, лимон олтиндек сариғайиб пишган, мевалар жуда йирик.

— Биз ҳам ана шу нав'дан кўпайтирамиз, Туроббой, — деди Ризаматота Ленин номли колхоз раисига қараб, — Ғуломмаҳмуд ҳам. Абдулла Ортиқов ҳам биздан келиб кўчат олади...

Ўртада самимий кулги кўтарилди. Улар бошлашиб қўшни залга кириб кетишди...

* * *

... Украинага «етиб келинган»да булут тўхташиб, қардош украин чорвадорларининг қорамолчилик фермалари ишини яхшилаш соҳасида амалга оширилаётган тадбирлари блан тўла танишдилар. Улар сигирлардан кўп сут соғиб олиш учун даставвал молларнинг наслини саралаш керакликини, шу блан бирга серсув хашакнинг доим етарли бўлиб туриши зарур эканлигини амалда кўриб билдилар. Стендларнинг бирида Суми областидаги Ленин номли колхознинг қорамолчилик фермасида эришилган муваффақиятлар батафсил кўрсатилган. Колхоз молларнинг наслини яхшилаб, ҳарбир сигирдан ўртача 4—5 минг килограммдан сут соғиб олган. Совет Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Х. Хавченко бу миқдорни бирярим ҳиссага оширолган, у ҳарбир сигирдан ўртача 6742 килограммдан сут соғиб олиб, зўр ютуққа эришган.

— Кўраяпсизларми, бу колхозда силос бостиришга катта э'тибор берилар экан, — шериклари нинг диққатини жалб қилди Абдулла Ортиқов. — Биз ҳам бунинг фойдасини амалда кўриб билдик. Сув бўйларидаги, мевазор боғлардаги ўт, ёш қамишларни ўриб силос қилмоқдамиз, шунинг учун сигирларимиз ёзнинқишин серсув хашак блан боқилаётир.

Абдулла Ортиқовнинг гапи икки раисни ҳам қизиқтирди.

— Серсув хашак қўлда боқиладиган сигирларнинг энг севимли овқати, — тасдиқладилар улар, — биз сабзавот экинлари палагини вақтида силос қилаётганимиз учун серсув хашак доим етарли...

Раислар Украинанинг Ленин номли колхози тўғрисидаги бой тажриба ҳақида сўзловчи барча ёзувларни ўз дафтарларига кўчириб олдилар. Улар «Чорвачилик колхоз хўжалигининг энг асосий, муҳим тормоғидир, биз уни тобора ривожлантириш учун курашамиз» деган қарорга келдилар.

Украина ССР павильонининг ғалла зали ҳамма вақт кишилар блан лиқ тўла бўлади. Бу ерда қозоқлар, қиргизлар, татарлар, армянлар, озарбайжонлилар, ўзбеклар ва бошқа миллат вакилларини кўрасиз. Улар республиканинг ғаллачилик соҳасида эришаётган зўр ютуқлари блан қизиқиб танишадилар. Залнинг ўртасида «хўчма» ғалла майдони бўлиб, бу ерда буғдойнинг энг юқори ҳосил берадиган жуда кўп нав'лари кўрилган.

Ғуломмаҳмуд Абдуллаев кўринмай қолди. Шериклари уни «Червонний партизан» колхози стенди қўйилган жойдан топишди. Ўртоқ Абдуллаев колхознинг звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Сталин мукофоти лауреати М. Е. Озерний қўлга киритган ютуқлар блан, унинг иш тажрибалари блан танишаётган экан.

— Маккажўхори барча чорва моллари учун ҳам қувватли, ҳам мазали ем, — деди у, — лекин бизда шу экинни кўпайтиришга, унинг ҳосилини оширишга етарли аҳамият берилмайди. Поясини силос қилинса, дони ем... Келгуси йилда биз ҳам колхозда маккажўхорини кўпайтирамиз!

Барча республика, область ва ўлкалар павильонида бўлгани каби Украина ССР павильонида ҳам қишлоқ хўжалигининг барча соҳаси йил сайин шаҳдам қадамлар блан ривожланаётгани, унинг улуғ Совет давлатининг қардошлик оиласида гуллаб-яшнаётганлиги тўла-тўкис баён қилинган.

Павильонларни бирма-бир кўздан кечирсангиз, қардошлик, биродарлик, дўстликнинг гоят зўрлиги, самимийлиги, мустаҳкамлигини кўриб қувонасиз. Абдулла Ортиқов, Ғуломмаҳмуд Абдуллаев, Туроб Нормуҳамедовлар Украина ССР павильонида юрар экан лар, ўзларини қардошлик оиласида эканликларини ҳис этардилар.

Қардошлик оиласида, биргаликда ҳаракат қилаётган, курашаётган барча совет кишилари бир мақсадни — порлоқ коммунизм жамияти қуришни кўзлайди. Улар ана шу мақсадни амалга ошириш йўлида қўлни-қўлга бериб, бир-бирларига ўргатиб, улуғ рус оғамиз ёрдамида Коммунистик партия ва Совет давлати раҳбарлигида фақат олға томон дадил қадам босиб бормоқдалар!

С. МАҲКАМОВ.

«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири, Москва шаҳри.

СОВЕТ ИТТИФОҚИДА

ЛЕНИНГРАДДА ҚУРИЛИШ ВИСТАВКАСИ

ЛЕНИНГРАД, 8 август. (ТАСС). Шаҳарда уй-жой қурилиши ишлари кундан-кунга кенг кўламларда олиб борилмоқда. Ҳозирги вақтда кўпқаватли 350 тадан кўпроқ бино қурилмоқда. Йил охиригача ленинградликларга қариб 400 минг квадрат метр янги уй-жойлар фойдаланиш учун топширилади. Қурилиш ишлари юқори унумли механизмларни қўлланиб, индустрия методлари блан олиб борилмоқда.

Бугун С. М. Киров номидаги маданият ва истироҳат паркида шаҳар қурилиш виставкаси очилди. Виставкада Ленинградда кейинги йилларда қурилиш соҳасида эришилган барча ютуқлар акс этдирилган.

Виставкада 40 тадан кўпроқ йирик ташкилотларнинг ишлари кўрсатилади.

Виставка шаҳар меҳнаткашлари ўртасида зўр қизиқиш туғдирди. Уни биринчи кундаёқ 30 мингдан кўпроқ киши келиб кўрди.

БИНОКОРЛИК МАТЕРИАЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИГАН ЯНГИ ЗАВОДЛАР

АНГАРСК (Иркутск области). (ТАСС). Иркутск областида бинокорлик материаллари ишлаб чиқарадиган бирқанча янги корхоналар қурилабошлади.

Сибирьда яқинда бун'ёдга келган Ангарск шаҳрининг ғарби-шимолий чеккасида бирнеча катта завод қурилмоқда. Булар орасида биноларнинг пардози учун ишлатиладиган плиткалар, санитария мақсадларига керакли чинни ва қувурлар ишлаб чиқаручи керамика заводи қурилмоқда, гипс, чинни ҳамда толрубероид заводларининг пойдеворини қуриш учун тайёргарлик кўрилмоқда.

Шу блан бир вақтда уй-жой бинолари қуриш ҳам авж олиб кетди. Қадимги қарағайзорлар орасида икки қаватли ва 8 квартирали ўттизта уй-жой биноси қурилди. Гиштдан қурилган шу биноларнинг 12 таси ҳозир тамомила битай деб қолди. Бинокорлар йил охиригача 7,5 минг квадрат метрга яқин уй-жой биноларини битказиб топширмоқчилар. Яқин келгусида бу янги шаҳарчада 530 ўринлик клуб, икки магазин, ўнйиллик мактаб, болалар боқчаси, ясли қурилади.

Завод маҳаллий ҳомашё блан ишлайди.

ҚИШЛОҚ НОВАТОРЛАРИНИНГ ЯРАТГАН МАШИНАЛАРИ

ОЛМАОТА, 9 август. (ТАСС). Қозоғистоннинг юзлаб колхозлари давлатга ғалла топшириш планларини бажардилар. МТСларнинг иши учун натура ҳақини тўладилар ва давлатга миллион-миллион пуд ғалла сотдилар. Илғор колхозларнинг тажрибаси дала хирмонларида дон тосалаш ва дон ортиш ишларини ма'ниналаштириш жуда катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб турипти. Кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни машиналаштиришда қишлоқ ихтиро'чилари ва рационализаторлари жиддий ҳисса қўшмоқдалар.

Толдиқўрғон область, Толдиқўрғон районидаги Крупская номли колхознинг раиси ўртоқ Швидко донни тозалайдиган ва хиллайдиган кучли машина ясади. Бу машинадан фойдаланиш 34 колхозчини бошқа ишларга кўчиришга имкон берди. Крупская номли колхоз районда биринчи бўлиб давлатга дон топшириш планини бажарди. Бу колхознинг тажрибасидан областьдаги бошқа колхозлар ўрнак олмоқдалар.

Шимолий Қозоғистон областида Полудинский районининг «Қозоғистон 30 йиллиги» колхозининг дурадгори ўртоқ Жуков эсаган дон тозалаш машинаси, ўша райондаги Сталин номли колхознинг темирчиси Вабко блан дурадгор Голубеснинг дон тозалайдиган машинаси ҳаммага ма'лумдир. Областьдаги колхозларнинг дала хирмонларида қишлоқ новаторлари ясаган 300 га яқин дон тозалаш машиналари юксак унум блан ишламоқда.

Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига олимларнинг лекциялари

Сиёсий ва илмий билимлар тарқатучи Бутуниттифоқ жамияти Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасида лекциялар ўқишни ташкил қилди. Профессор Н. В. Пуховский «Совет Иттифоқи Коммунистик партияси — коммунизм қурётган совет жамиятининг уюштируччи ва илҳомлантируччи кучдир», «ёзучи А. Д. Кочин «Ҳозирги замон совет адабиётида колхоз меҳнатининг қаҳрамонлиги» деган темаларда лекциялар ўқидилар. Виставкада ўтказиладиган лекциялар тематикасига КПСС тарихи, марксизм-ленинизм назарияси, философия, халқаро, илмий-атеистик, адабиёт, фан, фантехника масалалари, педагогика, экономика, медицина, адабиёт сан'ат бўйида 150 дан ошиқ тема киритилди. Йирик олимлар, институтларнинг илмий ходимлари, министрлик ва идораларнинг мас'ул ходимлари лекциялар ўқийдилар.

Яқин кунларда профессор А. И. Лебединскийнинг «Оламнинг тузилиши», физика-математика фанлари доктори А. И. Китайгородскийнинг «Атом энергияси» темаларида лекциялар ўқишлари мўлжалланди. (ТАСС).

Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига жўнаб кетдилар

Сўнгги кунларда Москвага, Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига областимиздан кўпгина виставка кандидатлари ва экскурсиячилар жўнаб кетдилар.

Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасини бориб кўриш учун яқинда Чиноз районидаги Ленин номли илғор колхоздан 13 киши жўнаб кетди. Бу колхоз 1953 йилда 490 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35,9 центнердан пахта етиштиргани ва бошқа соҳаларда эришган муваффақиятлари учун виставка кандидати қилиб тасдиқланган.

Виставкага жўнаб кетганлар ичида колхоз ҳосилот советининг раиси Ю. Бойчнев, бригада бошлиқларидан ўтган йили 48 гектар ернинг ҳар гектаридан 40,1 центнердан ҳосил етиштиришга муваффақ бўлган С. Дўсматов, 37 гектар пахта ернинг ҳар гектаридан 41,1 центнердан ҳосил олган М. Эсонов, звено бошлиқларидан 17 гектар ернинг ҳар гектаридан 50,1 центнердан ҳосил етиштирган С. Ҳайдарова, 13,5 гектар ернинг ҳар гектаридан 50,6 центнердан ҳосил олган Ғ. Назаров ўртоқлар бор.

Бўка районидан Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига жўнаб кетган колхозчилар ичида сўнгги икки йил ичида 44,5 гектар ернинг ҳарбир гектаридан 40,8 центнердан пахта ҳосили етиштирган «Ленинизм» колхозининг бригада бошлиғи Дадажон Иброҳимов, ҳар гектардан 50 центнерлаб ҳосил олган звено бошлиқлари ва бошқалар бор.

Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига қатнашиш учун Мирзачўл ва Гулистон районидаги колхозлардан ҳам виставка кандидатлари ва экскурсиячилар жўнаб кетдилар. Булар орасида Мирзачўл районидаги Василевский номли колхознинг юқори ҳосилли бригада бошлиғи Мамадали Абдуллаев, Сталин номли колхоздан Қиргизбой Жумабоев ўртоқлар бор.

Гулистон районидаги Молотов номли колхоздан Виставкага 1953 йилда 11,5 гектар ернинг ҳарбир гектаридан 54,4 центнердан пахта ҳосили етиштирган звено бошлиғи ўртоқ Ҳусан Исаев жўнаб кетди.

Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига областьдан ҳаммаси бўлиб 190 та виставка кандидати, виставкани бориб кўриш учун колхоз, совхоз ва турли муассасалардан 59 экскурсиячи жўнаб кетди.

Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига ҳозир областьдан ҳар куни 14 киши юборилиб турипти.

Ўзбекистон Совет ёзучилари учинчи с'ездининг очилиши

Ўзбекистон Совет ёзучилари икки с'ездидан буён 15 йил ўтди. Шу йиллар ичида кўп миллатли совет адабиётининг ажралмас қисми — ўзбек совет адабиёти катта йўлни босиб ўтди.

Иккинчи с'ездан буён ўтган 15 йил ичида республика меҳнаткашлари жонажон Коммунистик партия ва Совет Ҳукуматининг раҳбарлиги остида халқ хўжалигини ривожлантиришда ажойиб муваффақиятларни қўлга киритдилар. Ўзбекистонда Шаклан миллий, мазмунан социалистик маданият янги, юксак босқичга кўтарилди ва гуллаб яшнади. 27 театр, киностудия, консерватория, филармония, ўқув юртларининг кўпгина тармоқлари, кутубхоналар—буларнинг ҳаммаси халққа, унинг тўхтовсиз ўсиб бораётган маданий талабларини қондиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон ёзучилари шу давр ичида ўзбек халқининг меҳнат соҳасидаги шонли ғалабаларини, совет кишиларининг фикр ва туйғуларини ифодаловчи ўнларча асарлар ёздилар.

Ўзбек совет адабиёти улуғ рус халқи ва мамлакатимиздаги бошқа қардош халқлар адабиётининг самарали та'сири остида янги темалар ва образлар блан янада бойиди, ёзучиларнинг бадиий маҳорати ошди.

... Кеча Тошкентда Ўзбекистон Совет ёзучиларининг учинчи с'езди очилди. Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар зали ёзучилар, фан ва сан'ат арбоблари, саноат корхоналари ва колхоз далаларининг илғор кишилари, партия ва совет ташкилотларининг вакиллари блан тўлди. С'езд қатнашчилари орасида қардош республикалардан келган меҳмонлар, СССР Совет ёзучилари союзининг делегацияси бор.

С'ездни Ўзбекистоннинг отоқли шоирларидан бири Ғафур Ғулом очади. У бундай деди:

— Ўзбек совет адабиёти халқ блан бирга қадам ташлаб катта йўлни босиб ўтди. Ўзбек ёзучилари энг илғор, энг революцион бадиий ижодиёт методи — социалистик реализм методи блан қуроллaниб кўп миллатли совет адабиётини ривожлантиришда ҳисса қўшдилар. Иккинчи с'езд кунларида эндигина майдонга келабошлаган ўзбек совет прозаси ҳозирги кунда Бутуниттифоқ миқёсига чиқди. Бизнинг драматургиямиз ўсди ва мустаҳкамланди, поэзиямиз гуллаб яшнади. Адабиётга талантли ёшларнинг янги отряди келиб қўшилди.

С'ездимизнинг вазифаси — чуқур, принципиал танқид ва ўз-ўзини танқид асосида адабиётимизнинг ҳозирги аҳволини анализ қилишдан, унинг олга қараб боришида тўсқинлик қилаётган камчиликларни енгиб, 15 йил ичида тўпланган тажрибалар асосида унинг янада ривожланиши учун йўл очиб беришдан иборатдир.

Ғафур Ғулом Улуғ Ватан уруши фронтларида ҳалок бўлган ўзбек совет ёзучиларининг хотираси учун ўриндан туришни таклиф этади. С'езд қатнашчилари иккинчи с'езддан кейин вафот этган ёзучиларнинг хотирасини ҳам эсга оладилар.

С'езднинг раҳбар органлари сайланади.

«Ўзбек совет адабиётининг аҳволи ва унинг вазифалари» ҳақида Ўзбекистон ССР Совет ёзучилари Союзи Президиумининг раиси ўртоқ Ўйғун ҳисобот доклади қилди.

С'езднинг биринчи мажлисида республика ёзучилар союзи ревизия комиссиясининг доклади ҳам эшитилди. Бу масала юзасидан А. Бобожон доклад қилди.

Зауральедаги колхозда қишлоқ хўжалик фани ва практикаси ходимларининг кенгаши

МАЛЬЦЕВО ҚИШЛОҒИ (Курган области), 9 август. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг қарорига мувофиқ СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги томонидан чақирилган кенгаш кеча кечқурун Т. С. Мальцев методи бўйича ерни ишлаш ва экишнинг янги усулларини муҳокама қилишни давом этдирди.

Курган областидаги Макушино тажриба даласининг агрономи ўртоқ Сиротин агротехниканинг янги усуллари муваффақият билан жорий этилаётганлиги ҳақида гапирди ва «Завети Ленина» колхозида ҳамда областнинг бошқа хўжаликларида тўпланган қимматли тажрибани тезроқ умумлаштиришни таклиф этди.

Қозоғистон ССР Фанлар академиясининг илмий ходими ўртоқ Шчербинин ерни ишлашнинг янги методлари Қозоғистон учун катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. У республиканинг марказий районларидаги далаларда ер қатламини ағдариб ташламасдан ерни чуқур ҳайдаб экин экиш юзасидан ўтказилган тажрибалар муваффақиятли натижалар берганлигини айтди. Ер қатламини ағдармасдан, чуқур қилиб ҳайдаш тупроқдаги намни кўпайтирди, ҳамма ҳолларда дон экинлари ҳосилини гектарига уч-тўрт центнер, картошка ҳосилини эса гектарига тўрт-олти тонна оширди. Нотиқ Мальцев таклиф этган система Қозоғистон деҳқончилигида, шунингдек мамлакатнинг бошқа дашт районларида кенг равишда қўлланилиши мумкин деган хулосани чиқаради.

Кокчетов область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бош агрономи ўртоқ Мосолов ерни Мальцев методи бўйича ишлаш иқтисодий жиҳатдан катта фойда беришин ҳақида гапирди.

Ставрополь ўлкасидаги Сталин номли колхоз раиси ўртоқ Лискин Мальцев таклиф этган агротехникани Шимолий Кавказ шароитида ҳам қўлланиш мумкин деган ҳулосани чиқаради.

— Бизнинг тажриба станциямиз, — дейди у, — Совет Иттифоқида шундай станцияларнинг иккинчисидир. Станция энг йирик колхозда иш олиб бормоқда ва ерни ишлашнинг янги методларини ўз планига киргизди.

Ўртоқ Лискин СССР Фанлар академияси Тупроқшунослик институтининг ходимлари томонидан шу кенгашда қилинган қўшимча докладлардаги жиддий камчиликларни кўрсатиб ўтди, қўшимча докладчилар Мальцев методи бўйича ишланган далаларни текшириш натижалари юзасидан равшан илмий хулосалар чиқариб бермаганликларини айтди. Сўнгра у ўз колхозидаги ишлабчиқариш ва илмий ишлар ҳақида гапирди.

В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг ҳақиқий а'зоси ўртоқ Василенко ўз сўзини қишлоқ хўжалигини механизациялаш масалаларига бағишлади. У ерни ишлаш ва экишнинг ўртоқ Мальцев томонидан амалга оширилган методлари ҳосилнинг анча оширилишига олиб боради ва янги механизмлар яратишни талаб этади, деб таъкидлади.

Курган область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Кесслер ўз нутқида область колхозлари Мальцевнинг агротехника комплексини қўлланиш натижасида гектаридан ўрта ҳисобда олти-етти центнер кўпроқ қўшимча ҳосил олганликларини айтди.

— Янги системанинг яхши натижалар беришига қарамай, — деб кўрсатади нотиқ, — РСФСР Қишлоқ хўжалик министрлиги прогрессив агрономия усулларига нотўғри қараб келмоқда. 1954 йилда министрлик шудгорларни ўттиз сантиметрдан ортиқ чуқурликда ҳайдашни МТСлар учун тузилган пландан чиқариб ташлади.

Профессор Соколов ўз сўзида Мальцевнинг ишлари ернинг унумдорлигини ошириш соҳасида катта илмий ва амалий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб ўтди. У тажриба станцияларида ва бошқа қишлоқ хўжалик илмий текшириш муассасаларида янги прогрессив методларни ўрганиш иши ҳали қониқарсиз қўйилганлигини айтди.

— Украина делегацияси ўртоқ Мальцевнинг мазмунли докладини гоят зўр эътибор блан тинглади, — деди Одесса область ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Назаренко, — ва зўр қизиқиш блан тажриба далаларида илғор агротехника блан танишди. Биз кўпгина мароқли ва фойдали нарсаларни кўрдик. Биз шудгор ерларни ишлашнинг янги системасини, шунингдек ерни ишлашнинг бошқа методларини маккажўхори, пахта ва лавлаги етиштиришда қўллаётганлигини ўрганишдик.

Бугун эрта тонгдан бошлаб «Завети Ленина» колхозининг тажриба далаларида мамлакатнинг турли областларидан келган олимларни, агрономларни, механизаторларни, колхозчиларни учратиш мумкин эди. Украина қишлоқ хўжалик ходимларининг катта группаси бугун эрталаб, мажлис бошланмасдан олдин Шадрин районидаги Поныкин МТСи зонасидаги қишлоқ хўжалик артельларининг далаларига борди. Бу МТС ерни ишлашнинг ўртоқ Мальцев таклиф этган усулларини кенг жорий қилмоқда.

Эрталабки мажлисда дастлаб Автомобиль, трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлигининг коллегия а'зоси ўртоқ Моисеев сўзга чиқди.

— Ўртоқ Мальцев ишлаб чиққан янги агротехника янги қишлоқ хўжалик машиналари ва қуролларини талаб этади. Шуни эътироф этиш керакки, бундай машиналарни яратиш ишлари ҳали тугишинча ташкил этилмаган. Биз янги агротехника бўйича барча ишлар комплексини бажариш учун қисқа муддат ичида машиналар яратиш йўлида ҳамма чораларни кўрамиз.

Ўртоқ Моисеев плугларни, лущильникларни ва тупроқни ағдармасдан чуқур ҳайдаш ва шундан кейинги ишларни янги методлар блан бажариш учун зарур бўлган бошқа қуролларни такомиллаштириш тўғрисида гапирди.

Сўнгра Украина Дон хўжалиги илмий-текшириш институтининг директори ўртоқ Задонцев, СССР Совхозлар министрининг ўринбосари ўртоқ Кальченко, Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик Фанлари академиясининг ҳақиқий а'зоси ўртоқ Желиговский, Қозоғистон Деҳқончилик институтининг директори ўртоқ Бараев ва Курган область селекция тажриба станциясининг директори ўртоқ Мокеевалар сўзга чиқдилар.

Кенгаш қатнашчилари еттита секцияга: Ғарбий Сибирь, Урал ва Зауралье, Марказий Сибирь, Қозоғистон, РСФСРнинг Шарқи-Жанубий районлари, Шимолий Кавказ ва Украина ҳамда механизация секцияларига бўлиндилар.

Бугун тушдан кейин ва кечқурун секциялар Т. С. Мальцевнинг янги агротехникасини ўз зоналарининг обҳаво, тупроқ ва бошқа табиий шароитларига мувофиқ равишда қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришда жорий қилиш учун конкрет тадбирларни ишлаб чиқдилар.

Кенгаш эртага ўз ишини давом этдиради.

Ўрта Осиё илмий текшириш институтининг коллективи Ўрта Осиё республикаларида сув хўжалигини яхшилаш соҳасида катта ишлар олиб бормоқда. Илмий текшириш институтининг иш натижаси, Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасида намойиш қилинмоқда. **Суратда:** институт гидротехника лабораториясининг старший илмий ходими **А. В. Ефремов** (олдинда) иш устида.

ЎзТАГ фотохроникаси.

Маданият ХРОНИКАСИ

ОҲАНГАРОН шаҳар кутубхонасининг китоб фонди йил сайин бойитилмоқда. Ҳозир кутубхонанинг бир ярим мингдан ортиқ доимий китобхони бор. Кутубхона ходимлари китобхонларга намунали хизмат кўрсатиш блан бирга, улар ўртасида китоб ўқишни кенг пропаганда қилмоқдалар. Яқинда кутубхона мудири ўртоқ Шаина шаҳардаги нон ва цемент заводларининг ишчилари ўртасида «Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда бадиий адабиётнинг роли» ҳақида лекция ўқиди.

Б. Кўкиев.

* * *

ЧИНОЗ район соғлиқни сақлаш бўлими қишлоқ меҳнаткашларига медицина хизматини тобора яхшиламоқда. Райондаги колхозларга малакали врач ва медицина ҳамширалари биркитиб қўйилган. Улар беморларни даволаш блан бирга, колхозчилар ўртасида медицинага доир темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказмоқдалар. Яқинда врач Базанов Сталин номли колхозда «Сил касали ва унга қарши кураш тадбирлари» деган темада лекция ўқиди. Бунга 450 дан ортиқ колхозчи қатнашди.

Шунингдек, врачлардан М. Очилов «XIX партс'езд», Ҳидоятов «Қизил Октябрь» колхозларида бўлиб, «Безгак касалининг олдини олиш» ва «Қизомиқ касалини даволашда совет медицинасининг муваффақиятлари» деган темаларда лекция ўқидилар.

А. Йўлдошев.

* * *

ТОШКЕНТ шаҳар, Сталин районидаги І-нчи болалар кутубхонаси ёзги каникул даврида мактаб ўқучиларига намунали хизмат кўрсатмоқда. Яқинда ёш китобхонлар ўртасида «А. С. Пушкин — рус адабиётининг асосчиси», «Спорт дўстлари», «А. П. Чехов — Реалист ёзувчи», «Бизнинг Маяковский», «Ҳ. Олимжон — севимли шоир» каби темаларда конференция ва суҳбатлар ўтказилди. Бу конференция ва суҳбатларга район мактабларининг ўқучилари актив қатнашдилар.

А. Алиев.

Янги китоб магазини

ЎРТАСАРОЙ. Қумовул қишлоқ совети марказида янгидан «Ўзкитоб» магазини очилмоқда. Бу магазинда турли бадиий-сиёсий адабиётлар, қишлоқ хўжалигига оид китоблар ва умумий та'лим мактаб ўқучилари учун дарсликлар сотилади. Район марказида «Союзпечать»нинг киоскаси ҳам ташкил қилинди. Бу ерда турли газета, журналлар сотилмоқда.

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ

Мас'улиятсизлик оқибати

Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти Л. Кассиль ва М. Поляновскийларнинг «Кичик ўғилнинг кўчаси»[1] повестини ўзбек тилида босиб чиқарди. Муҳим тарбиявий аҳамиятга эга бўлган бу китоб ёш китобхонларимизга катта совғадир.

Повестьда Керчь (Қрим) аҳолисининг улуғ Ватан уруши йилларида барча совет халқи блан бирликда фашист-босқинчиларга қарши олиб борган қаҳрамонона кураши акс этдирилган.

Керчь аҳолиси Улуғ Ватан уруши йилларида Коммунистик партия раҳбарлигида партизанлар ҳаракатини бошлаб юборди. Кекса партизанлар орасида ўз ҳаётини бахтли келажак учун бағишлаган ёш қаҳрамон Володя Дубинин, Иван Гриценко ва бошқа пионерлар ҳам бор эди. Улар тош конларига беркиниб, қуёш нурини ойлаб кўрмай, оғир ҳаёт кечиришларига қарамай, матонат блан душманга қарши курашдилар, партизанларга актив ёрдам бердилар, разведкаларга бориб, муҳим ма'лумотлар олиб келдилар. Повесть ана шу ёш қаҳрамонларнинг жанговар ҳаётига бағишланган.

Ўзбекистон ССР Давлат нашриётининг бу китобни ўзбек тилида босиб чиқариши шубҳасиз тақдирга сазовор бўлган ташаббусдир.

Броқ «Кичик ўғилнинг кўчаси» китобининг таржимасида бирқанча камчиликларга йўл қўйилган.

Масалан, оригиналда, Володя блан Ваня ўйнаб юрганларида ер остидаги бир ғорликка тушиб қоладилар. Бу ерда бир тошга ўйиб ёзилган «Н. Дубинин ва И. Гриценко» сўзларини кўриб қоладилар. Бу ёзув уларнинг оталари томонидан гражданлар уруши йилларида ёзиб қолдирилган хотира эди. Володя дадасининг гражданлар уруши ҳақида гапириб берганлигини эслайди ва бу ҳақда ўйлаб, «Дадам, бундай нарсаларни гапириб юборишни севмайди» («Да знаешь, он рассказывать не любит у нас»),—дейди (42-нчи бет). Таржимон эса Володянинг бу гапини «дадам ўтган ишлардан сўзлаб беришни яхши кўради» (46 бет) деб оригинал қарама-қарши бўлган жумлани ёзади. Володя бу ердаги ғорларга одамлар унча аҳамият бермайдиган бўлиб кетганликлари ҳақида гапирса, («... А в штольни эти никто не заглядывает»), таржимон «бу қудуқларга ҳеч ким тушмайдиган бўлиб кетган» деб кишини чалғитади. Ажабо! Бундан чиқиби, қудуқларга аввалдан одамлар тушиб юрар экан-да. Қудуқларга одамлар тушмаслигини, балки ундан сув ичилишини таржимон биламайди дейсизми?! Гап шундаки, таржимон «штольни» сўзининг бу ерда қандай ма'нода ишлатилганлигини дуғатдан титкилаб ўлтиришни ортиқча иш деб билган ва эсига келган «қудуқ» сўзини таваккалига ёзиб юбораберган.

Асарда китоб персонажларидан бири Никифор Семенович Дубининнинг ўз шухнаси блан Феодосиядан Керчь томон сузиб келаётиб, капитан вахтасида турганлиги ҳақида гап боради. Таржимада эса бунинг аксини кўрамиз: «Ўз шухнасини Феодосия томон, ёришиб келаётган уфқ томон ҳайдаётган Никифор Семенович ҳам капитан вахтасига турди» (218 бет).

Таржимон ўзбошимчалик блан «Керчь» сўзини тушириб қолдириб, Феодосиядан эндигина чиққан кемани яна Феодосияга «мажбуран» киритади. Асарда кулолчилик устахонаси ташкил қилиш тўғрисида гап боради. Таржимада эса бу фикрга тамоман бошқача ма'но берилган: «Ундан кейин қурол-яроғларни тузатадиган қурол устаси ҳам ажратиш керак» (309 бет) деган ғализ жумлани ўқиймиз.

Пионерларнинг ер остидаги партизанларга варақалар, деворий газеталар чиқаришдаги берган ёрдамларини ёзучилар қуйидагича ифодалайди: «В Ленинском уголке при свете лампочек — карбидок пионеры рисовали, клеили, переписывали подземную стенную газету» (455 бет). Таржимон «рисовали, клеили» сўзларининг ма'носини «пионерлар ерости деворий газетаси чиқардилар» деган сўзларда берган. Бундай пала-партишлик, фикрий чалкашликлар таржиманинг кўп ерларида учрайди.

Масалан, авторлар Володянинг ички кечирмасини зўр бадиий маҳорат блан «Его обдала изнутри жарким стыдом, более жгучим чем крапива» (33 бет) деб талқин қилсалар, Аҳророва жон қойитиб ишлашни ўзига эп билмай, бу образли жумлани осонлик блан «жуда уялди» деб қўяқолипти. Бу каби машаққатсиз, пала-партишлик блан таржима қилинган ифодалар асарда кўплаб топилади. Масалан, «Гляди, какой расчетливый — раздался низкий грудной голос от входной двери» (33 бет) каби чиройли, жозибали жумлани «Пишиқлигини қара-я! — деган овоз эшитилди» (35 бет) деб таржима қилишга таржимоннинг нима ҳақи бор?! Ахир образлиликка, бадиий тасвирларга юқоридан отилиб чиқиб кетди...» (311 бет) дейилиши китобхонни Володя мазах қилинди, деган нотўғри фикрга олиб келиши мумкин.

Ҳ. Аҳророва Л. Кассиль ва М. Поляновский усталик блан фойдаланган фразеологик ибораларнинг ба'зибирларини ўзбек китобхонларига етказиб бераолмайди. Ма'лумки, бир тилдаги фразеологик ибора, мақол, идиомаларни иккинчи бир тилга сўзма-сўз таржима қилиб бўлмайди. Демак, таржимондан уларнинг асл ма'носини сақлаган ҳолда ё янги бир ибора ижод қилиш, ё бўлмаса унинг эквивалентини топиш талаб қилинади. Шу жиҳатдан олиб қараганимизда оригиналдаги: «С чужого коня среди грязи долой!» (280 бет) ибораси нинг «...бировнинг отидан балчиқ ўртасида тушинглар!» (310 бет) шаклида сўзма-сўз таржима қилиниши кулгили бўлганидек, «Язычок у тебя — что твоя касса в магазине, тебе одно слово серебром, а ты сдачи десяток медью» (290 бет) деган образли иборани енгилгина «Сенга бир оғиз сўз тайёр» (322 бет) деб китобхонларга тақдим этиш инсофдан эмас. Шунингдек, «Семь верст и все лесом» (82 бет) фразеологик ибораси нинг «Турган-битгани хато эди» (82 бет) дейилиши мазмунинг суюқлашиб кетишига олиб келган. Повестьнинг ҳарбир қаҳрамони ўз характерига хос тил блан гапиради, броқ таржимон бу муҳим масалага юзаки қараган. Натижада қаҳрамонлар тилига хос бўлган индивидуаль хусусиятлар таржимада тўла сақланиб қолинмаган. Бунга боғча мураббияси Сонечка блан Володя ўртасидаги диалог мисол бўлаолади. (30 бет).

Ҳ. Аҳророванинг сўзга камбағаллиги натижасида жозибали равон қилиб: «Слышно было лишь, как курликивает пронырливая вода, сочась через расщелены камня» (43 бет) деб ифодаланган ғзал манзара «фақат ғалқаерда, тошлар орасида шилдираб оқаётган сувнинг шилдиришигина қулоққа чалинарди» (47 бет) шаклида берилади.

Ҳ. Аҳророва «потолок», «свод» сўзларини биргина «шип», «отводить», «перебырать» сўзларини «ажратиш» сўзи блан таржима қилади. «Аллея» сўзи бир ерда «йўлак» шаклида ишлатилса, иккинчи бир ерда ўз ҳолида ишлатилади. «Бычки», «Барабульки» сўзлари гоҳо «майда балиқлар» деб ишлатилса, гоҳо ўзи қўлланиларади. «Пустые гильзы» (бўш гильзалар)ни «Бекорчи гильзалар» деб, «мишень»ни «нишона» деб таржима қилиниши ҳам нотўғридир.

Повесть таржимасининг 29, 15, 37, 59, 47, 226, 456, 305, 201, 567 ва бошқа бир қатор бетларида юқоридаги каби қўпол, жиддий хатоларни учратиш мумкин.

Шуниси қизиқки, юқорида биз санаб ўтган камчиликларни таржима редакторлари Р. Обидхўжаев, М. Усмон ўртоқлар пайқамаганлар.

Повесть таржимасида содир бўлган камчиликлар, таржима асарларининг сифатини яхшилаш зарурлигини талаб этади. Ўзбек китобхонлари ўз тилларига таржима қилинган ҳарбир асарнинг оригинал каби юксак савияда бўлишини истайдилар.

У. УМАРБЕКОВ.
Н. РИХСИЕВ.

[1] **Кичик ўғилнинг кўчаси»,** повесть. Ўздавнашр, 1953 йил, Ҳ. Аҳророва таржимаси, редактор Р. Обидхўжаев ва М. Усмон.

Комсомоллар ташаббуси

Ўрта мактабларни олтин медаль блан тамомлаб, Тошкент Тўқимачилик институтига қабул қилинган комсомол ёшларнинг кўпчилиги ВЛКСМ Марказий Комитетининг ем-хашак тайёрлашда актив иштирок этиш тўғрисидаги чақиригига жавобан колхозчиларга пичан тайёрлашда ёрдам бермоқдалар.

Яқинда комсомол а'золаридан 15 қиз институт партия бюросининг а'зоси, коммунист ўртоқ П. Островский раҳбарлигида Мирзачўл районидаги Сталин номли колхозга ем-хашак тайёрлашда ёрдам бериш учун бордилар. Колхозга борганларнинг кўпчилигини ўзбек қизлари ташкил этади. Қизлар колхозда 10 кун бўлиб, ем-хашак тайёрлаётган колхозчиларга актив ёрдам бердилар. Колхоз правлениеси студент қизларнинг самимий ёрдамлари учун уларга колхозчилар номидан миннатдорчилик билдирди.

Қишлоқда маданий савдо

Тошкент область, Сирдар'ё район матлубот союзининг савдо ходимлари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети сентябрь, февраль-март ва июнь Пленумларининг қарорларидан руҳланиб, аҳоли ўртасида совет маданий савдосини яхшиламоқдалар.

Район матлубот союзи 1953 йилнинг товар оборотн планини ортиқ блан бажариб, Ўзбекистон Министрлар Совети ва Республика касаба союзлари Советининг кўчма Қизил байроғини олган эди. Район матлубот союзи 1954 йилнинг ярим йиллик планини муддатидан 10 кун илгари бажарди. Аҳолига пландан ташқари бир миллион сўмлик турли саноат, озиқ-овқат ва маданий моллар сотилди.

Район матлубот союзига қарашли «Сирдар'ё», Сталин номли сельпоси, хўжалик моллари магазини ва универсал магазинларида бу йил савдо оборот плани ортиқ блан бажарилди. «Сирдар'ё» сельпоси II кварталда 8.100 минг сўмлик савдо қилиб, планни 105,6 процент бажарди. Сельпонинг Маленков номли, Тарас Шевченко номли колхозлар территориясидаги сельмаглари намунали ишлаб, II квартал планини 125—130 процент қилиб бажардилар. Сельпода пайчилар блан ишлаш ҳам анча яхшиланди. II кварталда 220 киши пайчилар қаторига қабул қилинди. Пай тўлаш плани ҳам 272 процент бажарилди. Сельпода харидорлар блан ишлаш, сотучиларнинг харидорларга муомаласи ҳам тобора яхшиланмоқда. Барча дўконларда харидорларнинг таклиф-дафтарлари ташкил этилди. Аҳоли бу таклиф дафтарларига ўз эҳтиёжлари учун керак бўладиган нарсаларни ёзиб қолдирмоқдалар.

Сельпо правлениеси далада ишловчи колхозчилар блан савдо қилишни ривожлантирмоқда. Сельпонинг 3 та кўчма дўкони колхозчилар учун дала шийпонларига турли саноат, озиқ-овқат, хўжалик ва маданий моллар етказиб бермоқда.

Шунингдек район матлубот союзининг Сталин номли, Ильич номли сельполари, маданий моллар магазинлари, умумий овқатланиш ташкилотлари ҳам II кварталда товар оборотн планини 115—120 процент қилиб бажардилар.

Район матлубот союзи аҳолининг саноат ва кенг иste'мол молларига бўлган талабини ҳисобга олиб, савдо тормогини кенгайтирмоқда. Район матлубот союзи хўжалик моллари магазини ва саноат моллари сотадиган магазин қураётир. Ильич номли ва Сталин номли сельполарда ҳам ресторанлар, сельмаглар қурилади.

Район матлубот союзининг ходимлари партия ва ҳукуматимизнинг совет савдосини янада ривожлантириш тўғрисидаги қарорларини амалга ошириш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар.

Э. РАҲМОНОВ.

ВАТИКАН — ИМПЕРИАЛИЗМ ХИЗМАТИДА

РЕАКЦИЯ ВА УРУШ ЛАГЕРИНИНГ АГЕНТУРАСИ

«Ватикан» давлатини Европанинг географик картасидан топиш қийин. Унинг территорияси жуда кичкина бўлганлиги учун одатда карталарда кўрсатилмайди. Бу давлат 1929 йилда барпо қилинди. У, Рим шаҳри территориясининг бир қисмида (Италияда) жойлашган. Бу давлат территорияси 44 гектар бўлиб, табааларининг сони ҳатто бир минг кишига етмайди. Ватикан давлати армиясининг (полициялар блан биргаликда) сони 250 кишидан ошмайди. Рим папаси бу давлатнинг чекланмаган абсолют ҳукмрони бўлиб, ҳозирги вақтда папа тахтида Пий XII ҳоким бўлиб ўтирипти.

Гарчи Ватикан давлати жуда кичкина бўлса ҳам, лекин у халқаро ҳаётдаги воқиаларга анча катта та'сир ўтказмоқда ва империалистик лагерьга таянч бўлиб хизмат қилмоқда. Империалистлар тинчлик, социализм ва демократия лагерига қарши курашда Ватиканни ўзларига иттифоқчи деб ҳисоблаб, унга катта аҳамият бермоқдалар. Буни, жумладан, шу нарса ҳам кўрсатиб туриптики, ҳозирги вақтда Ватиканда 30 тадан кўпроқ давлатнинг дипломатик вакиллари бор.

Хўш, Ватиканнинг халқаро ҳаётда муайян роль ўйнаши учун қандай имкониятлари бор?

Дастлаб бу имкониятлар шундан иборатки, у бутун католик черковининг марказидир. Рим папаси эса бутун католик черковининг бошлиғидир.

Католицизм — христиан динидаги оқимларнинг бири ҳисобланади. Статистика ма'лумотларига қараганда бутун ер юзида 800 миллион христиан бор, шуларнинг ярмидан кўпроғи рим-католик черкови блан боғланганлар (қолганлари грек-православие ва протестант черковларига боғланган кишилардир). Ҳамма католикларнинг ярмиси Ғарбий Европа мамлакатларида (Италия, Австрия, Испания, Португалия, Франция, Бельгия ва бошқа мамлакатларда), шунингдек халқ демократияси мамлакатлари бўлган Польша, Венгрия, Чехословакия ва бошқа мамлакатларда яшамоқда. СССРда католицизм Литвада, Белоруссия блан Украинанинг ғарбий областьларида тарқалган. Америкада ҳам (асосан Жанубий Америка мамлакатларида) анчагина католиклар бор.

Католик черкови ўзининг тузилиши жиҳатидан марказлаштирилган ташкилотдир. Унинг ҳамма епископлари, қаерда яшашларидан қат'ий назар, рим папасига итоат қиладилар ва унинг фақат диний масалалар соҳасидагина эмас, ҳатто бошқа масалаларда ҳам берган директиваларини бажарадилар.

Диний ташкилотлар ҳечқачон синфий курашдан четда турган эмас, одатда улар ҳамиша эксплуатация қилинучиларга қарши эксплуататорлар томонини ёқлаб келганлар. Бу нарса империализм даври учун айниқса характерлидир. Монополистлар қатта диний марказларни — христиан, яҳудий, мусулмон динлари ва бошқа динларнинг марказларини ўзларига бўйсундириб олдилар, уларнинг ишларини ўз манфаатларига қаратиб йўлламоқдалар. Капиталистларнинг вакиллари ва агентлари раҳбар черков органларида ишлаб, черковдан капитал ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун фойдаланмоқдалар. Бунинг исботи учун шуни айтиб ўтиш кифоядирки, Америка капиталининг энг агрессив доираларининг вакили бўлган Жон Фостер Даллес АҚШда протестантлар черковининг раҳбарларидан биридир (АҚШда протестантлар бошқа динларга қараганда кўпроқ ҳисобланади). Католик черковининг ҳозирги бошлиғи папа Пий XII — Италиядаги Пачелли деган банкирлар оиласидан чиққан кишидир.

Буржуа мамлакатларидаги диний ташкилотларнинг катта-катта капиталлари бор ва улар энг кўп фойда олишдан манфаатдордирлар. Масалан, АҚШдаги фақат католик черковининг ўзига қарашли капиталгина тўрт миллиард долларни ташкил қилади, унинг бир йилда оладиган даромади эса саккиз юз миллион долларга баравардир. АҚШдаги протестант ва яҳудий диний ташкилотларининг ҳам катта-катта капиталлари бор. Матбуотда э'лон қилинган ма'лумотларга қараганда Ватиканнинг фақат АҚШ саноат корхоналарига сарф қилиб қўйган капитали 35 миллиард франкни ташкил қилади, Европа мамлакатларидаги саноатга сарф қилиб қўйган капитали эса 60 миллиард франкни ташкил қилади. Бирқанча мамлакатларда католицизм черкови катта-катта ерларни ўз қўлига ўтказиб олган йирик помещиклидир. Масалан, Испанияда жуда катта ерлар черков мулки ҳисобланади.

Диний ташкилотларнинг капиталга бўйсундирилганлиги ва черков раҳбар арбобларининг ҳукмрон эксплуататор синфлар блан боғланганлиги шунга олиб келдики, икки дагерьнинг, я'ни СССР бошчилигидаги тинчлик ва демократия лагери блан АҚШ ҳукмрон синфлари бошчилигидаги реакция ва уруш лагери ўртасидаги курашда капиталистик мамлакатлардаги энг йирик диний ташкилотлар реакция ва уруш лагери томонини олмоқдалар. Католицизм черковининг маркази бўлган Ватикан ҳамиша шундай қилмоқда.

Ватиканнинг сиёсий йўли унинг бутун демократик лагерьга, илғор фанга бўлган нафрати ва капиталистик тузумни ҳеч сўзсиз қўллаб-қувватлаётгани блан белгиланмоқда. Кейинги ўн йиллар давомида (XIX асрнинг охиридан бошлаб) Рим папаси, у блан бирга эса турли мамлакатлардаги католик черковининг кўпгина отоқли пешволари руҳонийларга ва диндорларга қарата чиқарган ўзларининг мурожаатларида ва баёнотларида, католик черкови капиталистик тузумни ҳудонинг ўзи яратган тузум деб ҳисоблаганлигини, фабрикантлар, заводчилар, банкирлар ва помещиклларнинг хусусий мулки уларга худо томонидан берилган мулк деб, шу сабабли мулкдорларнинг мулкига кўз олайтириш энг оғир гуноҳ ҳисоблаётганлигини очиқдан-очиқ да'во қилиб келдилар. Шундай қилиб, Ватикан эксплуататор синфларнинг содиқ ҳимоячиси бўлиб, уларнинг манфаатларини ва бойликларини ҳудо номи блан кўриқлаб келмоқда.

Империалистлар ва биринчи галда АҚШнинг реакцион доиралари халқларни қул қилиш учун тинчликка ва демократияга қарши ўзлари олиб бораётган урушга бошқа динлардан фойдаланаётганликлари каби, католицизм черковидан ҳам кенг фойдаланмоқдалар. Мана шу шармандали ишга Ватикан жуда активлик иштирок қилмоқда. Папа Пий XII 1949 йилда коммунистларга қарши декрет чиқарди: коммунистларни қўллаб-қувватловчи, уларнинг матбуотини ўқувчи, сайловларда коммунистларни ёқлаб овоз беруччи кишиларнинг ҳаммасини черковдан ронда қилмоқчи бўлиб дўқ урди. Броқ папанинг бу декрети Ватикан ва унинг америкали раҳбарлари кутган натижани бермади. Бу воқиалар шуни кўрсатдики, католицизм жуда кўп томирлари блан Италия, Франция ва бошқа шуларга сингари мамлакатларда ҳам кенг халқ оммаси коммунистик партияларни қўллаб-қувватламоқда.

СОЦИАЛИСТИК ЛАГЕРЬ МАМЛАКАТЛАРИГА ҚАРШИ ТАШКИЛ ҚИЛИНАЁТГАН ФИТНАЛАРДА ВАТИКАНИНГ ИШТИРОКИ

Коммунизмга, бутун прогрессив ишларга нафрат блан қаровчи ва империализмга гоят садоқатли бўлган Ватикан бизнинг социалистик Ватанимизга ниҳоят даражада душманлик қилмоқда. У, империалистларнинг Советларга қарши фитналарида ҳамиша қатнашиб келди ва қатнашмоқда, шу фитналарни қўллаб-қувватламоқда. Совет халқининг Улуғ Ватан уруши йилларида Ватикан агентлари фашист босқинчилар вақтинча босиб олган совет территорияларига босқинчи герман армияси блан илакишиб келиб, гестапо блан ҳамкорлик қилдилар. Уруш йиллари вақтида немис босқинчилар оккупация қилиб олган мамлакатларда — Польшада, Венгрияда, Францияда, Болқон мамлакатларида — Ватикан ва унинг агентлари фашист босқинчиларга кўмак бериб турдилар.

Эндиликда Ватикан ва католицизм черкови бутун буржуа мамлакатларида бизнинг мамлакатимизга қарши туҳмат юргизмоқда, бу блан империалистларнинг «совуқ муносабатлар урушида» қатнашмоқда. Ватикан томонидан тузилган махсус «институтларда» жосуслар тайёрланмоқда ва бу жосуслар СССРга ҳамда халқ демократияси мамлакатларига қўпоручилик ишларини олиб бориш учун юборилмоқда.

Венгрияда, Польшада, Руминияда, Хитойда ва бошқа ба'зи мамлакатларда кейинги йилларда католик черкови пешволари устидан ўтказилган судлар шу мамлакатлардаги католик черковларнинг раҳбарлари Ватиканнинг топшириғи ва ма'қуллаши блан ҳамда империалистик давлатлардаги ҳукмрон доираларнинг бевосита бўйруғи блан ўша мамлакатларда халқ демократик тузумига қарши фитналарнинг ташкилотчиси бўлганликларини бутун дунёга яққол кўрсатди. Фитначилар ва уларнинг четэллардаги раҳбарлари Польшада, Венгрияда, Чехословакияда ва халқ демократик лагерьнинг бошқа мамлакатларида помещиклар ва капиталистлар ҳокимиятини қайтадан тиклашни, меҳнаткашларни қурашиб қўлга киргизган ғалабаларидан маҳрум этишни, шу мамлакатларни империалистларнинг мустамлакаларига ва антисовет фитналар ўчоғига айлантиришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар.

Икки уруш ўртасидаги даврда Ватикан Италия, Германия ва бошқа мамлакатлардаги фашист ҳукуматларнинг иттифоқчиси бўлди. Биринчи жаҳон урушидан кейин Ватикан итальян фашистларига ҳокимиятни босиб олишда ёрдамлашди. 1933 йилда Германияда фашистлар диктатураси ўрнатилгандан кейин эса фашист Гитлер ҳукуматини биринчи бўлиб таниди ва фашистлар режимининг охирги кунларига қадар у блан ҳамкорлик қилиб келди.

Иккинчи жаҳон урушининг охирги пайтларида фашистлар блокининг тормор қилиниши яқол бўлиб қолгандан кейин Ватикан АҚШнинг ҳукмрон синфлари блан мустаҳкам иттифоқ тузиш йўлини қидирабошлади, католицизм черковини жаҳонга ҳукмрон бўлиш ҳаёлида юрган америка империалистларига хизмат қилдирабошлади.

ВАТИКАН — АМЕРИКА ИМПЕРИАЛИЗМИНИНГ ТАЯНЧИ

АҚШ ҳукмрон доираларининг Совет Иттифоқига ва бутун социалистик лагерьга қарши уруш тайёрлаш соҳасида олиб бораётган агрессив, реакцион сиёсатини Ватикан астойдил ёқлаб, шу сиёсатни ўтказишда актив иштирок қилмоқда. У, Ғарбий Германиядаги та'сирчан католик ташкилотларига таяниб, католицизм доираларига мансуб бўлган немис қасосчиларини рағбатлантирмоқда. Ғарбий Германия канцлери Аденауэр мана шундай доираларнинг раҳбаларидан биридир. Папа Пий XII немис епископатига ва католикларига қарата чиқарган ўзининг бирқанча мурожаатларида поляк ва чехословак территорияларини босиб олиш ниятидаги герман қасосчиларининг планларини ма'қуллаганлигини айтди.

Ғарбий Германиядаги империалистлар ва реакцион доираларнинг Германияни Европа реакциясининг маркази қилиб қайтадан тиклаш йўлидаги планларини амалга оширишда уларга ёрдамлашишни Ватикан герман масаласидаги ўз сиёсатининг асосий мақсади қилиб қўйди. Америка ҳарбийлари блан жуда яқин алоқада бўлган америкали архиепископ реакционер Мунк Ватиканнинг Ғарбий Германиядаги расмий вакилидир. Немис епископати ҳам америка империалистлари ва герман монополистлари ҳамда Ватикан томонидан Германия масаласида амалга оширилаётган реакцион сиёсатни ўтказишга хизмат қилмоқда. «Шарқ»қа карши уруш очишга да'ват қилаётган Кельн карденали Фрингс сингари шахслар немис епископатининг актив арбобларидирлар.

Ватикан уруш оловини ёқучи америка империалистларига «Европа мудофаа бирлашмаси»ни тузишга ёрдамлашмоқ учун бутун кучларини сафарбар қилмоқда. АҚШ раҳбарлигида Европадаги буржуа давлатларидан иборат қилиб тузилаётган мана шу реакцион иттифоқда гитлерчи генераллар бошчилигида қайтадан тикланаётган герман армияси раҳбар роль ўйнайди, деб мўлжалланмоқда.

АҚШ католицизм черковининг раҳбарларидан бири ва Нью-Йорк архиепископи кардинал Спеллман мана шундай «мудофаа бирлашмаси» тузишнинг айниқса энг актив тарафдоридир.

Ривожланишдан кейинда қолган ғўзаларни алоҳида парвариш қилиб, барча майдонларда мўл ҳосил етиштирайлик!

☆ ☆

Ўртача рақамлар, хотиржам раҳбарлар

Қишлоқ советининг раиси ўртоқ Усмон Йўлдошев эрталаб идорага келиши бланок сводкадаги рақамларга бир тикилиб олади-да, ўз-ўзидан мамнун бўлгандай:

—Дуруст, Шверник номли колхозда ишлар юришиб кетипти, Ворошилов номли колхозда ҳам аҳвол тузалиб қолди, — деб қўйди.

Муродали қишлоқ совети раисининг иш куни сводкаларни тўплаб блокнотга ёзишдан бошланади. Сўнг у, отга миниб тўғри келган томонга қараб йўл олади: колхозларда бўлади, бригада бошлиқлари блан «ҳорма, бор бўл» қилишиб, сўнг ё идорадаги, ёки райондаги, жуда бўлмаса колхоздаги йиғилишларга қатнашади. Қишлоқ советининг раиси узоқ нутқ сўзлаб, насиҳатгўйлик қилишни яхши кўради.

Хўш, раҳбарликнинг бундай «янги методи» қандай натижалар бермоқда? Сводкалардаги ўртача рақамларга ишониб, хотиржам бўлиб олган колхоз раҳбарлари ҳам даладаги ҳақиқий аҳволни тўла ва аниқ билмайдилар.

Мана фактлар: Ворошилов номли колхоз Пискент районидаги йирик пахтакор колхозлардан биридир. Ўтган йили колхоз пахта тайёрлаш планини бажаролмади. Бу йил колхоз 1000 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 26 центнердан ҳосил етиштириши керак. Колхознинг илғор бригадаларида, масалан, ўртоқ Элбой Ҳайитов бошлиқ 5-нчи бригадада ғўза сифатли парвариш қилинди, ғўза тез авж олиб, яхши ҳосилга кирмоқда. Бошқа бригадаларда эса ғўзанинг авжи паст, шоналар энди гулга айланмоқда. Иш сифатига бепарво қараб, сон орқасидан қувиб «ҳа бўл, чопиқни тугат» деб ўзлиқсан бригадаларда ҳосилнинг мазаси йўқ.

Ворошилов номли колхознинг бу қолоқ бригадаларидаги сон орқасида қувиш касаллиги колхоз раҳбарларига ҳам юқиб қолган. Колхоз раиси Толипов ва МТС агрономи Б. Бобоев ўртоқлар сводкалардаги рақамларни ортдириб кўрсатишга қизиқадилар.

Далачилик бригадаларидаги бундай аҳволни трактор бригадаси ишида ҳам кўриш мумкин. Универсалчи М. Ҳайитбоев ва Т. Жўраев ўртоқлар ишлаган 1-2-нчи бригадаларда эса ғўза яхши ўсмай, ҳосилга кирмай қолди, чунки бу универсалчилар агротехника қондасини бузадилар, сифатсиз ишладилар. Аммо МТСнинг шу колхозидаги агрономи ўртоқ Бобоев сифатсиз ишлаётган бу тракторчиларнинг меҳнат унумини яхшилашга эътибор бермади.

Яқинда район партия комитетининг бюросида Шверник номли колхозда ғўза парваришининг ёмон аҳволда эканлиги муҳокама қилиниб, колхоз раҳбарларига ҳам, МТС раҳбарларига ҳам қат'ий кўрсатмалар берилган эди. Бу муҳокамадан кейин қандай ўзгариш бўлди? Район партия комитети бюросининг қарори қандай амалга оширилмоқда? Сводкаларга қараб ҳукм чиқарганда аҳвол бирмунча дуруст, рақамлар кўпайган. Даладаги ҳақиқий аҳвол эса ҳамон эскича. Сувдан қолган ғўзалар шона ва гулини тўкмоқда. МТСнинг 3-нчи трактор бригадаси универсалчиларидан Тошбой Қулматов, Тожибой Қурбонов ва Эргашев ўртоқлар ҳамон яхши ишлаётганлари йўқ. Булар хизмат қилаётган бригадаларда ўтказилаётган культивация сифатсиз.

Колхознинг ҳамма бригадаларида кетман чопиғи бораётир. Ўт босиб кетган катта пайкалларда ўтказилган чопиқнинг сифати тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Еввойи ўтларнинг илдизи қолиб кетмоқда, бир марта суғорилгандан кейинок яна ғўзани ўт босиб кетмоқда. Бу ерда сифатли парвариш тўғрисида жуда кўп гапирадилар, ҳақиқий аҳвол эса ҳамон эскича. Рақамлар кўпаймоқда, аммо ғўза ҳосилининг тайини йўқ.

Муродали қишлоғидаги колхозларда ғўза парваришида йўл қўйилаётган энг жиддий хато — суғориш агротехникасининг бузилаётганлигидир. Шверник номли ва Маленков номли колхозларда ғўзани ёппасига суғориш одат тусига кириб қолган. Бу ерларда сувчилар иши устидан назорат йўқ. Сувчиларнинг смена бўлиб ишлаши жорий қилинмаган. Тунги суғоришни уюштириш блан ҳечким шуғулланмайди.

1-нчи МТС зонасидаги Андреев номли колхоз (раиси ўртоқ Рустамбеков) ерларида Янгийўл райони колхозларининг ғўза майдонлари ҳам бор. Бир-бирларига ёндош бўлган карталарда икки хил ғўзаларни кўрасиз. Бир картадаги ғўзалар иккинчи чопиқдан чиқарилган, 4 марта культивация қилинган. Сифатли ишлов натижасида бу ғўзалар яхши авж олмоқда, тез ҳосилга кирди. Бу ғўза майдони Янгийўл районидаги колхозга қарашли. Шу пайкалга ёндош бўлган иккинчи картада 5-нчи культивация қилинмоқда. 4-нчи чопиқдан чиқарилган жойлар ҳам бор. Ишловнинг сифатсиз бўлгани учун бу ерда ғўза энди гулга кирипти. Бу Пискент районидаги Андреев номли колхозга қарашли пайкалдир.

Юқоридаги мавзарани ўртоқ Алимбеков раис бўлган Каганович номли колхозда ҳам кўрасиз. Бу ерда Оржоникидзе районидаги Маленков номли колхозининг ғўза майдони бор. Қисқа вақтдаёқ Маленков номли колхоз а'золари 150 гектар ердаги ғўзани комплекс ишловдан чиқардилар. Ғўза тез авж олабошлади. Каганович номли колхознинг ғўзалари эса ҳамон нимжон, шона, гуллари кам, ўсишдан қолмоқда.

Юқоридаги фактлар Пискент районида ўртача рақамларга ишониб ғўзага сифатли ишлов беришга мас'улиятсизлик блан қараётганликларни кўрсатади. Район партия комитетининг пахтачилик ишига раҳбарлиги конкрет ва аниқ эмас. Қарорлар умумий иборалардан нарига ўтмайди, топшириқлар ҳам кўп вақт қуруқ бўлади, графиклар тузилаберади-ю, қоғозда қолади, унинг бажарилишига эришмайдилар.

Пискент район партия комитети ва район ижроия комитети қолган ганимат кунлардан унумли фойдаланиб, ғўзага сифатли ишлов бериш блан ўсишдан орқада қолган майдонлари экинларни ҳосил олдиришга эришиши зарур. МТС раҳбарлари ўртача рақамлар гирдобидан чиқиб, трактор паркининг унумли ва сифатли ишлашини та'минлашлари керак. Ҳали Пискент районида каттагина майдонда ғўза ўсишдан қолмоқда, ҳосили оз. Ғўзага ишлов беришдаги бу нуқсонларни тугатиш район партия, совет ташкилотларининг жонажон ишидир.

Т. ОРИПОВ,

«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Сталин номли 17-нчи пахтачилик совхозининг механизаторлари совхознинг ишчи ва мутахассислари блан бир сафда туриб фидокорона меҳнат қилмоқдалар. **Суратда:** совхознинг илғор механизаторларидан **Н. Мирхолдоров** ғўза қатор ораларини ишламоқда.

М. Шевелов фотоси.

Қизил байроқли бригада

Бўка районидаги Тимирязев номли колхоз ўртоқ Нуралиев бошлиқ бригада а'золари ҳосилга ҳосил қўшиш ойлигида фидокорона меҳнат қилиб, бригадалараро социалистик мусобақада голиб чиқдилар.

Ҳозир бригада а'золари колхоз правленеси ва партия ташкилотининг кўчма Қизил байроғини ўз қўлларида сақлаб келмоқдалар.

— Биз партия Марказий Комитетининг қарорига амал қилиб,—дейди бригада бошлиғи ўртоқ Нуралиев,— бригадимиз звено принципини мустаҳкамлаш натижасида а'золар ўртасида меҳнатни тўғри ташкил қилишга ва меҳнат унумини оширишга эришдик. Биз звено системасини бундан кейин ҳам мустаҳкамлаб борамиз.

Ҳосилга ҳосил қўшишда катта аҳамиятга эга бўлган ҳозирги кунларда бригаданинг деярли барча звеноларидан пахтадан мўл ҳосил етиштириш юзасидан аввалги мажбуриятларини ўзгартириб янги, оширилган мажбуриятлар олмоқдалар. Масалан, Рўзиқул Жумаев бошчилик қилаётган звено а'золари 10 гектар ернинг ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олдилар. Икром Раҳмонов, Са'дулла Сафаров ва Насриддин Нуралиев ўртоқлар бошлиқ звеноларнинг ҳам янги оширилган мажбуриятлар асосида фидокорона меҳнат қилаётирлар.

Бригада а'золари Қизил байроқни сақлаб қолиш учун ғўза парваришини август ойида ҳам давом этдиришга қарор қилдилар. Бригадада ғўза парваришини намунали олиб борилиши блан, машина блан пахта теришга ҳам пухта тайёргарлик кўрилмоқда.

А. ГУМИРОВ.

Илғор механизаторларнинг муносиб ҳиссаси

Ўртасаройли механизаторларнинг ҳар бир чопиқ агрегати блан мавсумда 1000 гектар ердаги ғўза қатор ораларини ишлаб бериш юзасидан бошлаган ватанпарварлик ташаббусига қўшилиб, юксак мажбурият олган Октябрь районидаги иккинчи Пахта МТСнинг механизаторлари КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг қароридан илҳомланиб, ҳосил тўплаш ойлигида катта натижаларни қўлга киритдилар.

МТСнинг Сталин номли колхозда хизмат қилаётган Якименко бошлиқ трактор бригадаси айниқса самарали ишлар қилди. Бу бригада мавсумда 4000 гектар пахта ерини культивация қилиш ва ўғитлаш мажбуриятини олган эди. Бригада бу планни 109 процент бажарди.

Шунингдек шу колхозда хизмат қилаётган ўртоқ Раҳматуллаев бошлиқ тракторчилар бригадаси ҳам топшириқни ошириб бажаришга эришди.

Илғор механизаторлардан Велишаев 1246 гектар, Абдурамов 1149 гектар ердаги ғўзани парвариш қилдилар.

— Бизнинг трактор бригадамиздаги барча механизаторлар ҳам,—дейди ўртоқ Якименко, — ўз тракторларига меҳр блан қарайди, белгиланган қондаларга мувофиқ техник қаровни ўтказади. Шунингдек улар иш вақтида ортиқча ҳаракатларга — тракторнинг ёқилғи ёки сув учун узоқ жойга бориш, ортиқча бекор туришига йўл қўймайдилар. Бу эса бригадада меҳнат унумининг доимо ошишини та'минламоқда.

Республикамизнинг 30 йиллиги шарафига илғор трактор бригадаларининг механизаторлари ғўза қатор ораларини ишлаш ва пахтани машина блан теришда юзасидан юксак мажбуриятлар олдилар.

МТСнинг Маленков номли колхозда хизмат қилаётган Гуломов бошлиқ 4-нчи Хрушчев номли колхоздаги Бураличев бошлиқ трактор бригадаларининг механизаторлари ҳам колхозчиларнинг мўл ҳосил етиштиришдаги курашларига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Октябрь районидаги II-нчи МТС (директори ўртоқ Коломешчев, партия ташкилоти секретари ўртоқ Орипов) ўзи хизмат қилаётган 8 та колхоз бўйича ғўза парвариши бошлангандан бери ўтган давр ичида 36900 гектар ўрнига 37433 гектар пахта ерига ишлов бериб, топшириқни ортиги блан адо этди.

Д. СОДИҚОВ.

В. ХОЛМАТОВ.

Қишлоқ хўжалиги учун янги механизатор кадрлар

Калинин районидаги МТС ҳузурида тўрт ойлик тракторчилар курси ташкил қилиниб, бунга район колхозларидан 35 киши қабул қилинган эди. Курс программасида кўрсатилган темалар юзасидан, жумладан «Универсал», «СХТЗ», «СТЗ» ва қисман «НАТИ», «ДТ — 54» маркали тракторлар ҳақида тажрибали механизаторлардан Т. Турсунбоев, А. Зуфаров, инженер Аронов ўртоқлар амалий ва назарий машғулотлар ўтказдилар.

Бундан ташқари, курс тингловчилари учун партия XIX с'езди қарори, шунингдек КПСС Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришга қаратилган сентябрь, февраль-март ва июнь Пленумлари қарорлари тўғрисида алоҳида лекциялар уюштирилди. Курснинг 9 киши «а'ло» ва 14 киши «4» баҳолар блан тамомлаб чиқди. У. Зуфаров, С. Турсунбоев, К. Худоёров, Ш. Носиров, М. Шодмонов, А. Юсупов ва бошқалар курсни а'ло баҳо блан тамомладилар. Курсни ҳаммаси бўлиб 33 киши битириб чиқди. Улар ишлаш учун трактор бригадаларига юборилди.

А. ҚУЗИЕВ.

Мактаблар янги ўқув йилига тайёрланмоқда

Чиноз районидаги Жданов номли, Каганович номли ва Пушкин номли мактабларнинг коллективлари янги ўқув йилига қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Мактаб биноси, парта, стол ва стуллар ҳамда ўқув-тажриба кабинетларидаги асбобларнинг ҳаммаси сифатли ремонтдан чиқарилди.

Пушкин номли мактаб ёнида 250 кишилик клуб биноси қурилди. Бу мактабда ҳамма нарса янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилди.

М.Жумабоев.

* * *

Тошкент шаҳар Киров районидаги 12-нчи ўрта мактаб коллективи янги ўқув йилига тайёргарлик ишларини муваффақиятли олиб бормоқда. Мактаб биноси электрлаштирилиб, парта ва доскалар бўялди, стол ва стуллар яхшилаб ремонт қилинди. Мактабда буфет учун алоҳида хона ажратилди. Ўқучиларни ўқув қуроллари блан та'минлаш учун мактаб ҳузурида киоска ташкил қилинди.

Мактаб кутубхонасининг китоб фонди турли адабиётлар ва дарсликлар блан бойитилди. Ўқиш ёшидаги болаларни мактабга жалб қилишда ота-оналар комитетлари ҳам катта ташаббус кўрсатмоқдалар.

М. Мирхўжаев.

* * *

Оржоникидзе район, Дўрмон қишлоқ советидаги 6-нчи мактабда 1954-55 ўқув йилига пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Мактаб биноси, ҳамма инвентарьлар ремонтдан чиқарилди. Ўқитучилардан Хўжаева ва Абзалитдинова ўртоқлар ўқучиларни дарсликлар ва бошқа ўқув қуроллари блан та'минлашда яхши ташаббус кўрсатмоқдалар. Мактаб комсомол ташкилоти болаларни ўқишга жалб қилишда ўқитучилар коллективига яқиндан ёрдам бермоқда.

У. Гуломов.

РЕДАКЦИЯГА ХАТЛАР

Посёлкамиз қачон обод бўлади?

Луначарское посёлкаси областьнинг энг сердарахт, серсув ва соф ҳаволи жойларидан бири. Бу ерда Ўзбекистон касаба союзлари советининг бир қатор дам олиш уйлари, пионер лагерьлари ва санаториялар жойлашган. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг институти ва учта катта ўрта мактаблар ҳам бор. Ўзбекистон Министрлар Совети посёлкани янада обод ва кўкаламзор қилиш тўғрисида бундан уч йил илгари маблағ ажратиб берганига қарамай, бу соҳада ҳеч қандай иш қилинмаётир.

Тротуарни ремонт қилиш учун бундан уч ой илгари келтирилган шағал тошлар ҳанузгача ғарам-ғарам бўлиб ётибди. Тротуардан юриш мумкин эмас. Одамлар транспорт сорқатнов бўлган катта кўчадан юришга мажбур бўлмоқдалар. Бундай ҳол кўнгилсиз воқеаларнинг юз беришига олиб келмоқда.

Амбулатория кўчаси ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бу кўча посёлкадаги сорқатнов кўчалардан биридир. «Урожай», «Пионерская зорька» ва бошқа пионер лагерьларига шу кўчадан борилади. Кўча ўқиқир-чўқиқир бўлиб кетганлигидан транспорт ҳам, одамлар ҳам юришга қийналаётирлар.

Оржоникидзе район ижроия комитети посёлкани обод қилишга ажратилган маблағлардан тўла фойдаланиб, ободончилик ишларини қизитиб юбориши керак.

М. ОБИДОВ.

Эшик ҳамон ёпиқ

Чирчиқ шаҳар нотариал конторасининг ёпиқ эшиги олдида ўтирган ўнлаб одамларни кўришингиз мумкин. Буларнинг ба'зилари бу ерга ҳар куни қатнаб, ишларини битираолмай, вақтларини бекорга ўтказмоқдалар.

Бунинг сабаби нимада? Бунинг сабаби нотариус Л. Чернова ва конторанинг секретари И. Бас бюрократлашиб кетиб, ўз бурчларига мас'улиятсизлик блан қарашларидадир.

Преснякова қўлидаги боласи метрикасининг нусхасини тасдиқлатиб олиш учун бирнеча кундан бери овора. Қозоғистоннинг Бўстондиқ районидаги Жданов номли колхоздан келган 75 ёшдаги Обид ота Исмоилов ҳам конторанинг эшиги ёпиқлиги сабабли бирнеча кундан бери овора бўлиб юрипти. Секретарь И. Бас ҳар куни деворга «нотариус бугун касал», «бугун ўзини ёмон ҳис қилаяпти», «бугун Тошкентга кетганлиги сабабли бўлмайди» деган э'лонларни ёпиштириб қўяди. Электрохимия комбинатининг меҳнатни ҳимоя қилиш бўлими мудири Х. Сердиев, шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг санитаркаси Анастасия Овчинниковалар бундай э'лонларни кунда ўқийбериб, тоқатлари тоқ бўлди.

Шаҳар нотариал конторасининг ходимлари Л. Чернова блан И. Баснинг бундай иш усуллари, уларнинг меҳнаткашларни доим сарсон қилиб келаётганлари, И. Баснинг одамлар блан ҳаддан ташқари қўпол муомалада бўлаётгани тўғрисида «Сталинское знамя» газетасида хабар босилган эди. Аммо нотариал контора ишида ҳеч қандай ўзгариш юз бермади.

Бу тўғрида меҳнаткашлар депутатларининг Чирчиқ шаҳар Совети ижроия комитети ва область юстиция бўлимининг раҳбарлари нима деб экандар?

Р. АМИНОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Хотиржам бўлинг, дўндирамиз...“

Газетанинг шу йил 30 июль сонида юқоридаги сарлавҳа остида карикатура босилиб, унда Янгийўл районидаги Свердлов номли колхоз (раиси ўртоқ А. Шорахмедов) ғўза парваришида сон орқасидан қувиб, иш сифатига э'тибор бермаётганлиги, колхознинг илғор ҳиссобланган Носирхўжа Усмонов, Хайитохун Хошимов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда шу вақтгача 1—2 тадан ҳам кўсак йўқлиги танқид қилинган эди.

Янгийўл район партия комитетининг секретари ўртоқ Мусаевнинг редакциямизга хабар қилишича, материал колхоз партия ташкилотининг мажлисида муҳокама қилинган ва кўрсатилган фактлар тўла тасдиқланган. Мавжуд камчиликларни тугатиш учун бирқанча тадбирлар белгиланган.

Ватикан бошчилигидаги католицизм черкови жаҳонга ҳукмрон бўлиш ҳаёлида юрган Америка империалистлари блан бирлашиб, халқларнинг миллий суверенитетига қарши, ҳамма халқларни доллар ҳукмронлигига бўйсундириш учун қутириб кураш олиб бормоқда. Аммо католицизм черкови Америка ҳукмрон доиралари манфаатлари йўлида ўтказилаётган космополитизм сиёсатини, диндор кишиларни алдамоқ учун, ўзига хос мунофиқлик блан ящириб келмоқда. Папа Пий XII 1948 йилдаги Рождество мусобаси блан э'лон қилган мурожаатида давлат ва жамият тўғрисида католик динининг «ақидасини» ва «худонинг иродасини» рўкач қилиб, миллий суверенитетни «хато концепция» деб да'во қилди. Пий XII миллий суверенитет принципига қарши олиб борган курашида «худонинг иродаси» деб айтаётган нарсаси ҳақиқатда папанинг ўзи қўллаб-қувватлаётган америка империалистларининг иродаси ва сиёсатидир.

Ватикан ҳамма мамлакатларда энг реакцион доиралар блан, фашистлар блан иттифоқ бўлиб иш олиб бормоқда. Ватикан 1953 йил август ойида Испаниядаги фашист Франко ҳурмати блан конкордат (битим) тузди. Бу конкордат католицизм черкови блан испан фашистлари ўртасидаги мусобатларни янада кўпроқ мустаҳкамлади. Бу конкордатнинг Испаниядаги фашист ҳукумати блан АҚШ ҳукумати ўртасида ҳарбий иттифоқ тузилишидан бир ой олдин имзоланганлиги ҳам тасодифий эмас. Папа Пий XII Франко блан ўзининг тузган иттифоқини намойиш қилиб кўрсатмоқ учун 1953 йил декабрь ойида мана шу фашистга Рождество совғасини берди — уни Ватиканнинг олий ордени блан мукофотлади. Ватикан АҚШдаги фашист доиралар блан ва жумладан, фашист сенатор Маккарти блан энг яхши мусобатларда бўлиб, уларни қўллаб-қувватламоқда (Маккарти ҳам католиклардандир).

Ватикан ўзининг реакцион сиёсатини амалга оширишда фақат католицизм черковигагина таяниб қолмасдан, шу блан бирга католицизм черкови тузган турли оммавий ташкилотларга ҳам таяниб иш олиб бормоқда. Католицизм черкови ишчилар ҳаракатини ўзидан чиқариш ва меҳнаткашларнинг революцион курашини сусайтириш мақсадида буржуазия ёрдами блан «христиан касаба союзлари» деб аталучи касаба союз ташкилотлари тузди. Бу «христиан касаба союзлари» ишчилар синфининг синфий курашида штрейхбрехерлар ролини ўйнамоқда.

КАТОЛИК ПАРТИЯЛАР — АМЕРИКА ИМПЕРИАЛИСТЛАРИНИ ЁҚЛОВЧИ ПАРТИЯЛАРДИР

«Христиан партиялар» ёки католик партиялар деб аталучи партиялар ҳозирги вақтда Ватиканнинг реакцион сиёсатини ўтказучи партиялардир. Католик партиялар кейинги йилларда Италияда, Францияда, Австрияда, Бельгияда, Ғарбий Германияда, Голландияда, Люксембургда ва бошқа ба'зи мамлакатларда ҳукмрон партия бўлиб қолдилар. Улар Америка империалистларини ёқлайдиган асосий буржуа партиялари бўлиб, халққа қарши бўлган, ўз мамлакатларидаги буржуазия ва помещиклларнинг ҳамда америка империалистларининг манфаатларини кўзлайдиган сиёсатни амалга оширмоқдалар. Католик партиялар «Европа мудофаа бирлашмаси» тузишни ва герман агрессив армиясини қайтадан тиклашни жон-жаҳдлари блан талаб қилмоқдалар.

Францияда МРП деб ном олган католик партия урушдан кейинги йилларнинг ҳаммасида халққа қарши бўлган реакцион йўл тутмоқда. МРП раҳбарларидан бири бўлган Бидо Франция ташқи ишлар министри вазифасида турган вақтда ташқи сиёсат соҳасида Америка йўлини ўтказиб келди, бу эса Франциянинг миллий манфаатларига зарар етказадиган йўл эди.

Ғарбий Германияда Аденауэр бошчилигидаги католик партия — қасосчилар партиясидир, Рейн-Вестфалия заводчилари ва банкирларининг партиясидир. Бу партия Германия ва Америка империалистларининг буйруғи блан ҳамда уларнинг актив ёрдами остида герман милитаризмини қайтадан тиклашга ҳаракат қилмоқда.

Ватикан ва католик епископати католик партияларнинг фаолиятига катта та'сир ўтказмоқда.

Ватикан мустамлака ва қарам мамлакатлардаги халқларнинг миллий-озодлик ҳаракатини бостиришда империалистларга ўз воситалари блан ёрдамлашмоқда. Ватиканнинг ғўё «динни тарғиб қилиш» учун деб тузилган «миссионерлик» ташкилотлари (шунингдек протестантлик черковлари ҳам) ҳақиқатда империализмнинг жосуслик вазифаларини бажаручи агентларидирлар. Хитойдаги миссионерлар кейинги вақтларгача хитой халқига душманлик ишлари блан шуғулланиб келдилар. Ватиканнинг Ҳиндистондаги ҳамда Осиё ва Африканинг бошқа мамлакатларидаги миссионерлари қўпоричилик-жосуслик ишлари блан ҳозир ҳам шуғулланмоқдалар. Ватикан вакиллари Осиёнинг кўпгина мамлакатларида реакцион тўдалар блан, жумладан Америка империализмининг малайи бўлган Чан Кай-ши сингари махлуқлар блан яқин алоқада бўлиб иш олиб бормоқдалар (Тайван оролида Ватиканнинг Чан Кайши ҳузурида дипломатик вакили ҳам бор).

Католицизм черкови, бизнинг вазифамиз одамлар орасида «тинчлик ва биродарликни» мустаҳкамлашдан иборат деб мунофиқларча да'во қилаётганига қарамай, Ватикан ва кўпгина мамлакатларда унинг директивларини бажараётган католик епископати тинчлик тарафдорларининг ҳаракатига қарши ва атом қуролини тақиқлаш талаб қилинган мурожаатга имзолар тўплашга қарши қаттиқ курашиб келдилар. Тинчлик тарафдорлари ҳаракатига қўшилган руҳонийлар қувғин остига олинди. Чунончи, итальян руҳониси Андреа Гажеро тинчлик учун курашда актив иштирок этганлиги учун Ватикан томонидан черковдан ронда қилинди. Католицизм черковининг раҳбарлари диндорларни алдаб, биз тинчлик бўлсин деб «дуо қилмоқдамиз» деган бўлмағур гапларни айтмоқдалар. Ҳақиқатда эса улар янги жаҳон уруши тайёрлаётган АҚШ ҳукумат доираларининг агрессив, одамхўрлик сиёсатини тўла равишда қўллаб-қувватламоқдалар.

КАТОЛИЦИЗМНИНГ РЕАКЦИОН ИДЕОЛОГИЯСИ

Ватикан империализмни тўла равишда қўллаб-қувватлаб, диний ташкилотлар ихтиёрида бўлган махсус воситалар блан, я'ни ўзларининг идеологик воситалари блан, дин воситаси блан буржуазияга ёрдам бермоқда. У, капиталистик тузум ва капиталистик хусусий мулк худо ярлақаган мақаддас нарсалардир деган сохта, реакцион идеяларни кенг омма орасида пропаганда қилмоқда. Коммунистлар меҳнаткашларни эксплуататорларга қарши революцион синфий кураш олиб боришга чақираётган бир пайтда, католицизм черкови меҳнат блан капиталнинг «синфий тотув» бўлиб ҳамкорлик қилишини тарғиб этмоқда. У, меҳнаткашларни ўз турмушларини яхшилаш учун курашдан воз кечтириш, капиталистик тузумнинг уқубатли турмуш шароитига кўникишларига ҳаракат қилмоқда.

В. И. Ленин бундай деб ёзган эди: «Ҳамма ва ҳарқандай эзучи синфлар ўз ҳукмронликларини ҳимоя қилиш учун икки социал функцияга: жаллодлик функциясига ва поплик функциясига муҳтож бўладилар. Жаллод эзилганларнинг норозилигини ва газабини бостириб туриши лозим. Поп эса, эзилганларга тасалли бериб туриши, синфий ҳукмронлик сақланса, келгусида ҳалокатлар ва қурбон беришлар камаяди, деб алдаб туриши (келгусида буларни «амалга ошириш» мумкинлигига кафолат бермасдан, шундай қилиш айниқса қулайдир...), шу блан уларни мана шу ҳукмронликка кўндириши, уларни революцион ҳаракатлардан қайтариши, уларнинг революцион кайфиятларини босиб туриши, уларнинг революцион кат'иятини барбод келтириб туриши лозим». (В. И. Ленин, Асарлар, 21 том, 241—242 бетлар).

Католицизм ҳудди мана шундай реакцион идеологияни, эксплуататорларнинг зулмига қарши омма орасидаги норозилик ҳисларини бостириш ва оммани ўзининг мазлумлик ҳолига кўндириш вазифасини мақсад қилиб қўйган реакцион идеологияни ўзи бериб тарғиб қилмоқда. Бошқа ҳарқандай дин каби, католицизм ҳам меҳнаткашларга «нарига дунё роҳатларини» ва'да қилаберади, лекин улардан бу дунёда яхши турмуш учун курашмасликларини талаб қилади.

Ватикан — илғор фаннинг душманидир. Католик пропагандистлар черковнинг бевосита топширигича амал қилиб, материализмни «рад қилишга» уринмоқдалар ва коммунизм ҳамда коммунистик философия тўғрисида нуқул туҳматдан иборат китоблар ёзмоқдалар. Ватикан католик олимларидан ўз асарларини дунё тўғрисида инжилда ёзилган, фанга хилоф бўлган тасаввурларга асослаб ёзишларини талаб қилмоқда. Папа Пий XII 1950 йилдаёқ махсус мурожаатнома чиқариб, эволюция назариясига қарши ҳукм қилган ва, католик олимлар одамнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги масалаларда инжилда худо «биринчи одамни» тупроқдан яратди, унинг қобиргасидан эса шу биринчи одамнинг хотинини яратди, деган ривоятга таянишлари лозим, деб ёзган эди. Католицизм черковининг давлат аппаратига та'сири катта бўлган мамлакатларда, масалан, Испанияда у халқ маорифига таллаулқи ишларнинг ҳаммасини ўз қўлига ўтказиб олди. Бошқа бирқанча мамлакатларда (Франция, Италия, АҚШ ва бошқа мамлакатларда) ҳам черков шундай қилишга уринмоқда. У, ўрта аср хурофотларини, нодонликни, жоҳилликни ёйишга ҳаракат қилмоқда.

ПРОГРЕССИВ КУЧЛАР ВАТИКАННИНГ РЕАКЦИОН СИЁСАТИГА ҚАРШИ КУРАШМОҚДАЛАР

Ватиканнинг ва бутун католик черкови раҳбарларининг реакцион сиёсий фаолиятга шу динга мансуб бўлган кўпгина диндорларнинг черковдан ихлосларини қайтармоқда. Шу сабабли, буржуа статистикаси ма'лумотларида айтилганидек, 400 миллион католик бор деган гапларга ишониб бўлмайди. Халқ демократияси мамлакатларида бўлгани каби СССРда ҳам бошқа диндаги кишилар каби католикларнинг катта кўпчилиги барча меҳнаткашлар блан бирликда хўжалик қурилиши планларини амалга оширишда, тинчлик учун курашда актив иштирок қилмоқда. Бу блан улар Ватиканнинг ва католицизм черковининг социалистик лагерь мамлакатларига қарши душманчилик блан олиб бораётган сиёсатига ўзларининг норозиликларини амалда изҳор қилмоқдалар.

Буржуа мамлакатларида ҳам черковнинг дўқ қилишларига қарамай, тинчлик, демократия ва социал-прогресс учун курашаётган прогрессив доираларнинг сиёсатини қўллаб-қувватловчи католикларнинг сони кўпайиб бормоқда. Масалан, Италияда 1953 йилда ўтказилган парламент сайловларида коммунистлар олти миллиондан кўпроқ овоз олдилар. Ҳеч шубҳасиз, Италиядаги миллион-миллион католиклар ҳам коммунистларни ёқлаб овоз бердилар, чунки улар Ватиканнинг де Гаспери бошчилигидаги христиан-демократик партиясининг ҳукмронлиги итальян халқини янада қашшоқлаштириб юборганлигини ва Италияни Америка миллиардерларига қул қилиб қўйганлигини амалда ўз кўзлари блан кўрдилар. Мана шу омма коммунистлар бошчилигидаги демократик кучларнинг ҳақиқатан халқ манфаатлари учун, тинчлик учун, мамлакатнинг миллий мустақиллиги учун курашаётганлигини амалда кўриб ишонди ва ишонмоқда. Европанинг бошқа мамлакатларида ҳам диндор католиклар оммаси орасида мана шундай табақаланиш рўй бермоқда.

Ватикан ва католик черковининг тинчлик тарафдорларининг ҳаракатига душманлик блан қараётганлиги католик доираларини ғоят газаблантирмоқда. Ишчилар, деҳқонлар ва интеллигенция орасидаги диндор кишиларгина эмас, ҳатто кўйи табақа руҳонийларнинг бир қисми ҳам, халқларнинг тинчлик учун олиб бораётган курашига коммунистлар блан қўлни-қўлга бериб иштирок қилмоқда. Ватиканнинг тақиқлашига қарамай, улар шундай қилмоқдалар.

Ҳамма мамлакатларда халқ оммасининг тинчлик ва озодлик учун курашига бошчилик қилаётган коммунистик ва ишчи партиялар тинчликни, миллий мустақилликни сақлаб қолмоқ ва халқ оммасининг турмушини яхшилашга эришмоқ учун турли сиёсий маслаклардаги ва турли динларга мансуб бўлган меҳнаткашларни бирлаштиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Барча мамлакатлардаги коммунистлар Ватикан уруш оловини ёқучи америка империалистларининг иттифоқчиси эканлигини фош қилиб, католицизм идеологиясининг реакцион моҳиятини очиб ташлаб, шу блан бир вақтда меҳнаткашларнинг умумий манфаатлари учун, тинчлик учун, нон учун, озодлик учун биргаликда кураш олиб бориш мақсадида католик, протестант ва бошқа ҳамма диндаги меҳнаткаш кишиларга қўл бермоқдалар.

М. ШЕЙНМАН.

Редакция почтасидан

Намунали ресторанниинг филиали эмиш

Одил Қулназаров.

— Биродар, борди-ю қудуқдан тортаяпган бўлса нима дейсиз? — деди у блан ёнмаён ўтирган мирзачўлли Файзиев.

— Э, ҳазилингизни қўйинг, ахир келиб ўтирганимга роппа-роса бир соат бўлди, заказ олди-ю, ғойиб бўлди.

Шу орада официантка Лидия Прозвеченко бирнеча бутилка пивони кўтарган ҳолда тарс-турс юриб келди. Пивони стол устига қўйди-да яна ғойиб бўлди. Энди клиентлар стаканни кутабошладилар. Бироздан сўнг Лидия яна пайдо бўлди, броқ қўлида стакан йўқ эди. У, пиво келтириб қўйилган стол атрофидаги клиентлар блан иши бўлмай, бошқа бир столга бориб заказ қабул қилабошлади.

— Бу пивони бутилкадан ичаверамизми, ёки стакан берасизми? — деди Одил Қулназаров официанткага. Лидия унинг гапига қулоқ солмади.

— Думоғ-фироғ қилмасдан, мулойимлик блан клиентларга ўз вақтида хизмат кўрсатсангиз бўлмайдими? — деди бошқа бир киши.

— Менинг қандай хизмат қилишим блан ишингиз бўлмасин. Мен сизга ҳисоб бермайман. Хоҳласангиз шу, хоҳламасангиз бошқа ресторанга боравериш ингиз мумкин.

Лидия жаҳл блан кухня томонга кетди. 20 минут чамаси вақт ўтгач стакан олиб келди. Шундан кейин нариги, иккинчи ва учинчи столлар атрофида ўтирган клиентлар Лидиядан пиво келтиришни сўрадилар, броқ, Лидия уларнинг бирнеча бор илтимос қилишларига қарамай, пиво тамом бўлганлигини айтди. Шундай деди-ю, аммо «ўз кишиларига» пиво келтиришда давом этди. Унинг бундай найрангидан клиентлар ниҳоят даражада ғазабландилар.

«Тошкент» намунали ресторанининг Горький номли маданият ва истироҳат боғидаги филиали сайлчиларга яхши маданий хизмат кўрсатмаётир. Бу ерда ишловчи официантка Лидия Прозвеченконинг ўз вазифасини виждонан бажармаётганлиги ва клиентлар блан қўпол муомалада бўлиши кўпгина норозиликларга сабаб бўлмоқда. Официантка Лидия Прозвеченко ҳақида филиал директори Ж. Маликов «Тошкент» ресторанининг директори Вороновга бирнеча бор шикоят қилди. Аммо ўртоқ Воронов бу масалага совуққонлик блан караб, ишни пайсалга солмоқда. Лидия Прозвеченко эса, филиалда ўзи хон, ўзи бек бўлиб, клиентларни ранжитиб юрибди.

Филиал ишида бундан ташқари яна бирқанча жиддий камчиликлар бор. Бу ерда кишилар ўтириб овқатланган столлар дарров тозаланиб олинмайди. Бунинг устига столларда салфетка йўқ, дастурхонлар кир, овқатларнинг сифати паст, ассортименти камбағал. Ма'лумки шанба ва дам олиш кунлари боғларда сайлчилар кўпроқ бўлади. Аммо филиалга продукта тақсим қилишда ўртоқ Воронов бу аҳволни ҳисобга олмайди. У шанба ва дам олиш кунларида ҳам филиалга белгиланган миқдордан ортиқ гўшт бермайди. Филиал ходимлари дам олиш кунларидаги эҳтиёжни қондириш учун бошқа кунлар ҳисобига гўшт сарфлашга мажбур бўладилар. Натижада кейинги кунларда тайёрланадиган овқатларнинг сифати пасайиб кетаётир, ассортименти эса хилма-хил бўлмаётир.

«Тошкент» ресторанининг директори ўртоқ Воронов ресторан филиалида камдан-кам бўлади, аҳолига маданий хизмат кўрсатиш иши блан қизиқмайди. Бу ерда ишловчи ходимлар устидан доимий контрольликнинг йўқлиги ва тез-тез ишлаб чиқариш йиғилишлари ўтказиб турилмаслиги орқасида меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатишда жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Т. НАЖМИДДИНОВ,
М. ГОЗИЕВ.

„Кутамиз десаларинг ихтиёр ўзларингда"

Бугун эрталабданоқ ҳамманинг оғзида дув-дув гап.

— Шийпонда кино қўйилар эмиш.

— Бригада бошлиғимизнинг ўзи айтди, янги кинофильм кўрсатилар экан. Бу хушхабар айниқса гўза чопиғи блан банд бўлган ёшларни хурсанд қилди.

Кечқурун 2-нчи бригада дала шийпонига ёшлар ҳам, кексалар ҳам тўпландилар. Улар кино кўрсатилишини сабрсизлик блан кутар эдилар. Ниҳоят соат 10 дан ошганда мотор овози эшитилабошлади. Киномеханик Володя бирнеча соат уриниб, двигатель моторини юргизиб юборди.

Лекин кинофильмнинг бирнеча пардаси кўрсатилгандан кейин мотор яна ишламай қолди. Тамошабинлар бир соатдан ортиқ кутишди. Ҳа деганда кинофильмнинг давоми кўрсатилабермади. Киномеханик Володя эса, тамошабиларнинг та'наларига этибор бермас эди. Ниҳоят фильмнинг яна бир пардаси кўрсатилди. Сўнг чироғ ёнди. Кимдир, кино кўрсатувчилардан бири тамошабинларга қараб:

— Кинофильмнинг кўрсатилмаган уч пардаси қолди. Кутамиз десаларинг ихтиёр ўзларингда. Лекин, вақт ҳам анча маҳал бўлиб қолди. — деди.

Буни эшитган тамошабинлар қаттиқ ранжиганлари ҳолда тарқалабошладилар.

Пискент район маданият бўлимига қарашли кўчма кино установкаларининг ишида бундай ҳодисалар тез-тез бўлиб туради. Юқоридаги воқеа Муротали қишлоқ советидаги Ворошилов номли колхознинг 2-нчи бригадасида содир бўлди. Район маданият бўлимининг кино кўрсатиш иши блан банд бўлган ходимлари аҳолига кино хизмати кўрсатишчи яхшилаш ўрнига, тамошабинларга нисбатан ана шундай хурматсизлик қилмоқдалар.

Район маданият бўлимида «дала шийпонларида фалон марта кино кўрсатилди» деган ма'лумотлар бор. Маданият бўлимининг бошлиғи ўртоқ Шохалимова ҳам бу ҳақда чиранган гапиради-ю, аммо жойларда қишлоқ аҳолисига кино хизмати кўрсатишни яхшилаш масаласи блан жиддий шуғулланмайди.

О. ТУРОБ.

БОҚЧА ВА САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ КЎПЛАБ КЕЛТИРИЛМОҚДА

Областимиз колхозларидан Октябрь район совет колхоз бозорига кўплаб боқча, сабзавот маҳсулотлари келтирилмоқда.

Бозор ва бозордаги колхоз дўконларига келтирилаётган маҳсулотлар арзон баҳолар блан сотилаётир. Шу кунларда Мирзачўл районининг Куйбишев номли ва «Октябрь» колхозларидан ҳар куни 50 тоннага яқин қовун келтирилмоқда. Қорасув, Чиноз, Калинин районларининг колхозлари шаҳар аҳолисини пиёз, помидор, картошка ва карам маҳсулотлари блан мўл-кўл та'минламоқдалар.

Ж. МУСАЕВ.

АҚШ Коммунистик партиясининг миллий конференцияси

НЬЮ-ЙОРК, 9 август. (ТАСС). «Дейли уоркер» газетасининг хабар беришича, 6 августдан 8 августгача АҚШ Коммунистик партиясининг миллий конференцияси бўлиб ўтган. Конференцияда 24 штатдаги партия ташкилотларидан 150 делегат қатнашган.

Газетанинг хабар беришича, конференция компартия миллий комитети а'зоси Петтис Перриннинг 1954 йилги сайловолди кампанияси, я'ни конгрессга ўтказиладиган сайлов кампанияси тўғрисидаги докладини, АҚШ Коммунистик партияси янги программасининг проектини ма'қуллаган, сиёсий маҳбусларга амнистия беришни талаб этиб бошланган кампанияни кучайтириш тўғрисидаги резолюцияни қабул қилган, конгресс а'золигига кандидат қилиб кўрсатилган Элизабет Гарли Флинн кандидатурасини ма'қуллаган ва Коммунистик партия номидан бошқа кандидатлар кўрсатиш йўлидаги ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш зарурлигини та'кидлаган.

Газетанийг хабар беришича, сайловолди кампанияси тўғрисида Перри томонидан қилинган докладда мамлакатда Эйзенхауэр ҳукуматининг сиёсатидан қаттиқ норозилик мавжудлиги кўрсатиб ўтилган.

Перри сиёсий укладлари турлича бўлган мамлакатларнинг тотув яшашларини ёқлаб гапираётган, Хитой Халқ Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги қонуний ҳуқуқларини тиклашни ҳамда Ғарб блан Шарқ ўртасида савдо-сотиқни кенгайтиришни талаб қилаётган кандидатларни қўллаб-қувватлашга чақирган.

АҚШ Коммунистик партияси янги программасининг проекти тўғрисида Бетти Ганнет доклад қилган.

Чили ҳукумат ма'мурларининг ўзбошимчалигига қарши Эренбургнинг норозилиги

БУЭНОС-АЙРЕС, 7 август. (ТАСС). Чилидан телефон орқали олинган хабарга қараганда, совет ёзучиси И. Г. Эренбург Чили ҳукумат ма'мурларидан ўзи блан жуда ёмон муомала қилинаётганлигининг сабабларини изоҳлаб беришни, шунингдек Пабло Нерудани Халқаро Сталин мукофоти блан мукофотлаш тўғрисидаги ва полиция томонидан Эренбургнинг қўлидан тортиб олинган ҳужжатларни қайтариб беришни қаттиқ талаб қилмоқда.

Чили полициясининг тергов ишлари директори Луис Монхе Чили ички ишлар министри Паррага юборган ма'лумотида Пабло Нерудани мукофотлаш тўғрисидаги дипломдан ташқари ҳамма ҳужжатлар И. Г. Эренбургга қайтариб берилди, Пабло Нерудани мукофотлаш тўғрисидаги диплом «ҳанузгача испан тилига таржима қилинмаганлиги сабабли» ҳали қайтариб берилгани йўқ, деб айтган.

Пабло Нерудани Халқаро Сталин тинчлик мукофоти блан мукофотлаш тўғрисидаги дипломни Чили ма'мурлари Эренбургга қайтариб бердилар

БУЭНОС-АЙРЕС, 9 август. (ТАСС). Пабло Нерудани халқаро Сталин тинчлик мукофоти блан мукофотлаш тўғрисидаги дипломни (бу диплом полиция томонидан тортиб олинган эди) Чили ма'мурлари Эренбургга қайтариб бердилар. Диплом совет ёзучиси турган бинога келтириб берилди.

Мукофот 10 августда Чили ёзучиси, адабиёт бўйича Миллий мукофот лауреати Фернандо Сант-Ибаньес раислиги остида ўтказиладиган маросим вақтида Пабло Нерудага топширилади.

МАОРИФ ХОДИМЛАРИ ХАЛҚАРО ФЕДЕРАЦИЯЛАРИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ КОМИТЕТИНИНГ XIX СЕССИЯСИ ОЧИЛДИ

9 августда Москвада маориф ходимлари халқаро федерациялари мувофиқлаштириш комитетининг XIX сессияси очилди. Сессия мажлисларида маориф ходимлари касаба союзлари халқаро федерацияси (МХКСХФ) нинг, бошланғич мактаб ўқитучилари халқаро федерацияси (БМЎХФ) нинг ва ўрта мактаб ўқитучилари халқаро федерацияси (ЎМЎХФ) нинг вакиллари иштирок қилмоқда.

Мажлис қатнашчилари орасида мувофиқлаштириш комитетининг раиси А. М. Госсар, мувофиқлаштириш комитетининг бош секретари Эмиль Омбурже, комитет бош секретарининг ўринбосари Мария-Луиза Кавалье, МХКСХФ нинг ранс ўринбосари Иван Гривков, шу федерациянинг бош секретари Поль Деляну, БМЎХФ нинг раиси-ассосчиси Луис Александр Дюма, БМЎХФ раиси Вильям Фредерик Генрик Ларет, ҳазиначи секретарь Густав Франсуа Вильемин, БМЎХФ бош секретари Роберт Фредерик Мишель, ЎМЎХФ раиси Маргаерт Финлейсон Адамс бор.

БМЎХФ, ЎМЎХФ ва МХКСХФ делегациялари составида Франция, Англия, Швейцария, Голландия, Бельгия, Чили, Италия, Дания, Хитой, Индонезия, Германия Демократик Республикаси ва СССРдаги ўқитучилар ҳаракатининг отоқли арбоблари бор.

Мажлисда БМТ, ЮНЕСКО (Бирлашган Миллатларнинг маориф, Фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти) ва Халқаро маориф бюросининг вакиллари кузатучилар сифатида иштирок қилмоқда.

Мувофиқлаштириш комитетининг сессияси маориф ходимларининг аҳволига, шунингдек маориф ходимларининг бирлашган Хартиясини ишлаб чиқишга таллуқли масалаларни муҳокама қилади. Бу Хартия ўқитучиларнинг асосий социал—иқтисодий талабларини ҳамда уларнинг демократик ҳуқуқларини акс этдириши лозим. (ТАСС).

ЖАҲОН ДЕМОКРАТИК ЁШЛАР ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИНИНГ ПЕКИНДА СЕССИЯСИ ОЧИЛДИ

ПЕКИН, 9 август. (ТАСС). Синьхуа агентлигининг хабар беришича, бугун Пекинда Жаҳон демократик ёшлар федерацияси кенгашининг сессияси очилади.

Ҳозирги вақтда Хитой Халқ Республикасининг пойтахтига ҳамма қит'алардаги 49 мамлакатдан 170 кишидан кўпроқ делегат, кузатучилар ва меҳмонлар келди. Яна 13 мамлакатдан делегатлар келиши кутилади.

Сессия кун тартибида қуйидаги масалалар бор:

1. Мустамлака ва кам тараққий қилган мамлакатлардаги ёшлар ҳаракати ва жаҳон демократик ёшлар федерациясининг вазифалари.

2. Жаҳон демократик ёшлар федерацияси (ЖДЁФ)нинг ҳамда ЖДЁФ а'золари бўлган ташкилотларнинг қишлоқ ёшлари халқаро слётига кўрилаётган тайёргарликда иштироки.

3. Ёшлар ва студентларнинг тинчлик ва дўстлик учун курашга бағишланган халқаро фестивалига тайёргарлик.

Сессия 15 августгача давом этади.

ПЕКИН, 9 август. (ТАСС). Бугун Пекиндаги «Хуайжэньтан» залида Жаҳон демократик ёшлар федерацияси кенгашининг сессияси очилди. Жаҳон демократик ёшлар федерациясининг президенти Бруно Бернини кун тартибининг биринчи масаласи бўйича доклад қилди.

Совет Иттифоқининг корейс халқига бераётган ёрдами тўғрисида Корея матбуотининг ёзганлари

ПХЕНЬЯН, 8 август. (ТАСС). Бугун марказий газеталарда босилган бошмақолаларда ва жуда кўп материалларда Совет мутахассисларининг республика саноат корхоналарини қайтадан тиклашга ёрдам бераётганликлари, Совет Иттифоқидан Шимолий Кореяга жуда кўп миқдорда ускуналар келаётганлиги, бу ускуналар Совет ҳукуматининг Корея Халқ—Демократик Республикасига бир миллиард сўмлик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ юборилаётганлиги айтиб ўтилмоқда.

«Нодон синмун» газетаси «Совет халқининг жуда катта ёрдами» сарлавҳали бошмақоласида қуйидагиларни ёзади: «Бундан бир йил муқаддам улуғ Совет Иттифоқи ҳукумати урушда оғир зарар кўрган Корея халқ хўжалигини урушдан кейин қайтадан тиклаш ва қуриш ишларига ёрдам беришга, я'ни қайтариб бермаслик шарти блан бир миллиард сўм беришга қарор қилган эди. Шундан бери бизнинг халқимиз ўзининг чинакам дўсти совет халқининг ҳартомонлама бериб турган иқтисодий ва техника ёрдами туфайли анча муваффақиятларга эришди. Шу дамгача Совет Иттифоқи бизга жуда кўп миқдорда прокат, ҳархил ускуналар, автомашиналар, қурилиш материаллари, қишлоқ хўжалик машиналари, минерал ўғитлар ва бошқа шу сингари нарсаларни юборди. Совет халқининг иқтисодий ва техника ёрдами туфайли кўпгина корхоналар тикланиб бўлди ва маҳсулот берабошлади.

Бутун халқимиз, деб ёзади правардида газета, қардошларча кўрсатилаётган ёрдам учун ўзининг самимий ташаккурини билдиради ва ўзининг улуғ дўсти совет халқи блан бўлган дўстлигини бундан буён ҳам мустаҳкамлашга ва'да беради».

ХАЛҚАРО КЕСКИНЛИКНИ ЯНАДА ЮМШАТИШ УЧУН

ПРАГА, 7 август (ТАСС). Бутун Чехословакия матбуоти ва жамоатчилиги тўрт давлат кенгашини чақириш тўғрисида Совет ҳукумати томонидан қилинган баёнотни гоят қизиқиб кутиб олди. «Руде право» газетаси шундай кенгаш чақириш идеясини қизғин суратда ма'қуллаб ёзган редакцион мақоласида бундай дейди:

«Совет ҳукуматининг ғарб давлатларига яна кенгаш ўтказайлик, деб мурожаат қилаётганлиги Совет Иттифоқининг Европада тинчликни мустаҳкамлаш йўлида ҳормай-толмай ҳаракат қилаётганлигини кўрсатучи яна бир далилдир. Ҳеч шубҳасиз, тўрт давлат вакилларининг учрашуви барча манфаатдор мамлакатларнинг Европада коллектив хавфсизликни та'минлаш масаласи устида чақириладиган кенгашини муваффақиятли ўтказиш учун замин тайёрлаган бўлур эди».

«Руде право» газетаси яна бундай деб ёзади: Европада коллектив хавфсизлик системаси нужудга келтирилишига бевосита манфаатдор бўлган бизнинг халқимиз тўрт давлат ташқи ишлар министрларининг кенгашини чақириш тўғрисида Совет ҳукумати томонидан қилинган ташаббусни табриклайди. Бизнинг халқимиз бу ташаббусни аввало Совет Иттифоқининг Европадаги ҳамма проблемаларни тезроқ ҳал этиш учун, халқаро кескинликни юмшатиш ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш учун ҳамма чораларни кўришга интилаётганлигини кўрсатучи далилдир, деб ҳисоблайди.

Индонезия Шарқи-Жанубий Осиёдаги агрессив блокда қатнашишдан бош тортди

ЖАКАРТА, 9 август. (ТАСС). АНТАРА агентлигининг хабар беришича, Индонезия ҳукумати ғарб давлатлари томонидан Шарқи-Жанубий Осиёда тузилмоқчи бўлган ҳарбий блокда иштирок қилмаслигини расмий равишда билдирган. Индонезия коломба мамлакатлари (Ҳиндистон, Бирма, Цейлон, Индонезия, Покистон) конференциясида иштирок қилишдан ўзининг бош тортганлигини ҳам ма'лум қилган.

Марокашда ғалаёнлар

ПАРИЖ, 8 август. (ТАСС). Матбуотнинг хабар беришига қараганда, кеча Порт-Лиотда (Марокаш) аҳоли блан қўшинлар ва полиция ўртасида янги тўқнашиш бўлган. Бу тўқнашишга шу нарса сабаб бўлганки, ҳарбий патрульлар иш ташлаган дўкондорларни магазинларни очиб савдо қилишга мажбур этмоқчи бўлиб уринганлар. Солдатлар блан маҳаллий аҳоли ўртасида бўлган қуролли тўқнашиш натижасида 11 кищи ўлган ва 30 дан кўпроқ киши ярадор бўлган.

«Юманите диманш» газетасининг ёзишига қараганда, бутун мамлакатда забастовка ҳаракати кенгайиб бормоқда ва намойишлар ўтказилмоқда.

СТУДЕНТЛАРНИНГ XII ЖАҲОН ЁЗГИ ЎЙИНЛАРИ

БУДАПЕШТ, 9 август. (ТАСС). Студентларнинг Будапештда тамом бўлган XII жаҳон ёзги ўйинларига якун ясалди.

Совет спортчилари спортнинг ўн хили юзасидан ўтказилган мусобақаларда иштирок қилдилар. Улар гимнастика (эркак ва хотин-қиз командалари) бўйича, штанга бўйича, эркин ва классик кураш бўйича, бокс бўйича, волейбол бўйича (хотин-қиз командалари), енгил атлетика бўйича (хотин-қиз командалари) ва сувга сакрашлар бўйича (эркак ва хотин-қиз командалари) ўтказилган мусобақаларда ютиб чиқдилар ва команда биринчилигини олдилар. Совет енгил-атлетикачи хотин-қизлар командаси муваффақиятини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. Гарчи бизнинг спортчи хотин-қизларимиз спортнинг программада мўлжалланган турларидан ба'зилари бўйича мусобақаларда қатнашмаган бўлсаларда, шунга қарамай, улар бошқа мамлакатларнинг спортчи хотин-қизларидан анча ўзиб кетдилар. Германия Демократик Республикасининг командаси иккинчи ўринни эгаллади.

Кўпгина совет спортчилари студентлар орасида жаҳон чемпиони деган фахрий унвонни олдилар, мукофотли ўринларни эгалладилар. Студентларнинг ўйинларида совет спортчилари 130 та олтин медаль, 93 та кумуш медаль ва 36 та бронза медаль олдилар.

Бу ўйинлар Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Руминия, Чехословакия, Болгария спортчиларининг маҳоратлари ўсганлигини ҳам кўрсатди.

Ўйинлар самимий ва дўстона вазиятда ўтди ҳамда турли мамлакат студент-спортчилари ўртасида дўстликни янада мустаҳкамлашга ёрдам берди.

Инглиз кончилари совет шахтёрлари делегациясини Англияни келиб кўришга таклиф қилдилар

ЛОНДОН, 9 август. (ТАСС). Хабар берилишича, Англия кончилари миллий касаба союзи Дарам (Англиянинг йирик кўмир районларидан бири) бўлимининг кенгаши совет шахтёрлари делегациясини Дарам шахтёрларининг 1955 йил 16 июльда бўладиган байрамига чақириш тўғрисида қарор қабул қилган. Бу байрам ҳар йили ўтказилади.

Ҳинди-Хитойдаги яраш битими устидан контрольлик қилучи халқаро комиссиянинг ахбороти

ДЕҲЛИ, 7 август (ТАСС). Деҳли радиосининг хабар беришича, Ҳинди-Хитойдаги яраш битими устидан контрольлик қилучи халқаро комиссия ўз ишини 6 кун давом этдиргандан кейин кеча ахборот э'лон қилди. Бу ахборотда Ҳинди-Хитойдаги уч давлатнинг ҳаммаси учун комиссия томонидан бажариладиган ишларнинг принциплари баён қилинган: Уч давлат, я'ни Ҳиндистон, Канада ва Польша вакилларининг илғор группаси Ҳинди-Хитой учун тузиладиган уч комиссиянинг ишлашига шароит тайёрлаш мақсадида 7 августда Ханойга, Вьен-Тьянга ва Пном-Пеньга жўнаб кетади.

Вьетнам, Камбоджа ва Лаосдаги яраш битимининг бажарилишини контроль қиладиган комиссиялар 11 августдан кечиктирилмай тузилади. Бу комиссиялар Вьен-Тьян, Пном-Пень ва Ханойда туриб ўз ишларини олиб боради.

Ахборотда яна айтилишича, Вьетнам Демократик Республикаси, Франция, Лаос ва Камбоджа делегатлари яраш битимининг бажарилиши устидан контрольлик қиладиган Халқаро комиссияни қўллаб-қувватлаш ва у блан ҳамкорлик қилиш тўғрисида ва'да берганлар.

Ахборотнинг охирида айтилишича, уч давлатнинг Халқаро комиссиядаги вакиллари ўз кенгашларини самимият ва тўла ҳамкиҳатлик шароитида ўтказганлар, кенгашдаги ҳамма қарорлар бир овоздан қабул қилинган.

Ҳиндистонда сув тошқини

ДЕҲЛИ, 9 август. (ТАСС). Кейинги ҳафтада Ассамда, Бенгалиянинг шимолий қисмида ва Бихар штатида сув тошқини кучайиб кетди. «Амрита базар патрика» газетасининг хабар беришича, Пурнеадан (Бихар штатида) Куч-Бихаргача (Ғарбий-Бенгалия штати) бўлган районда 4.500 квадрат миля майдонда сув тошқини айниқса кучли. Бу мамлакатнинг шимолий қисмида тошқиндан 300 минг киши зарарланган.

«Стейтсмен» газетасининг ёзишича, Тирхут районида (Бихар штати) тошқиндан 7 миллион киши, Дарбханг районида эса 600 минг киши зарар кўрган. Сингхий, Жаллей, Жонжарпур ва Бахеру районларида сув тошқини 100 қишлоқни ҳароб қилган. Нирмали, Пратапганж, Бхимнагар, Супаул, Кишнапур, Сахарса, Бангаон, Мадхипура, Сингеш вар, Астхан ва Соурбавар районларида тошқиндан 400 минг киши зарар кўрган.

Вихар штатининг ахборот, транспорт ва саноат министри Махеш Прасад Синха, бундай кучли сув тошқини шу дамгача бўлмаган эди, деб айтган. Матбуотнинг хабар беришича, сув тошқини Непал ва Шарқий Бенгалиянинг бирқанча районларига ёйилган.

Ҳиндистон бош министри Неру тошқиндан зарар кўрганларга ёрдам бериш учун ташкил этилган миллий фондга маблағ беришга чақириб халққа мурожаат қилди.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

КИНО

Халқимиз бадиий жиҳатдан юксак савиядаги, воқеаларни реал кўрсатиб берадиган ва бу воқеалар жараёнида ҳаётдаги ёмон, чирик, ўлик нарсаларни, олгатомон ҳаракат қилишимизга халақит берадиган ҳамма нарсаларни сатира ўти блан куйдириб ташлайдиган ҳамда совет кишиларини коммунистик руҳда тарбиялашга ёрдам берадиган саҳна ва кино асарлари яратилишини истайди. Гарчи бу соҳада сўнгги йилларда бирмунча силжиш борлиги кўзга ташланса ҳам, лекин совет тамошабинларининг тобора ўсиб бораётган маданий талабларига жавоб берадиган ва ҳаётдаги воқеалар блан бевосита боғланган, кишини завқлантириб, куладиган кино-картиналар кам яратилмоқда.

«Мосфильм» киностудияси ишлабчиқарган ва шу кунларда кино-театрларда кўрсатилаётган «Қувноқ юлдузлар» фильм-концерти сатирик темада сўнгги вақтда яратилган картиналардан бири ҳисобланади. Тамошабин бу фильмда кинематография сан'атининг кўзга кўринган артистларидан Тимошенко, Березин, Миронов, Новицкий, Смирнов — Сокольский, Миронова, Менакер, Утесов, Шулькенко, Зеленая, Савва ва бошқаларни, уларнинг эстрада сан'ати соҳасидаги талантларини кўздан кечиради. Бу фильм актуал ва замонавий темада яратилганлиги ҳамда эстрада соҳасида биринчи фильм бўлганлиги учун ҳам тамошабиннинг диққатини ўзига жалб этмоқда. Фильм кундалик ҳаётда учрайдиган айрим ножўя ҳаракатларни, бюрократик, мақ-манлик кўринишларини танқид қилишга ва шу асосда айрим кишилар характеридаги камчиликларни очиб ташлашга, ёш эстрада сан'ати ходимларининг талантларини намойиш қилишга бағишлангандир.

... Поезд далалар, ўрмонзорлар бўйлаб учиб бормоқда. Пассажирлар кўз ўнгидан станциялар, қишлоқлар, экинзорлар ва груллаб ишлаб турган қудратли машиналар бирма-бир ўтиб туради. Вагонларнинг деразаларидан баралла эшитилаётган қувноқ ва шўх ашулаларнинг садолари ҳаммаёққа таралмоқда. Бу манзара ҳақиқатан ҳам чиройли. Вагонлардан бирида Тарапунька ва Штепсель (артист Тимошенко ва Березин) бормоқда. Улар Москвада эстрада артистларининг Бутуниттифоқ конкурсида қатнашиш учун кетмоқдалар. Картинадаги дастлабки эпизодлар ва ёш талантларнинг ўйинлари ана шу ёрдан бошланади. Купеда, вагон коридорларида, станцияда ва ниҳоят Москвадаги театрда, Тарапунька ва Штепсельларнинг маҳоратлари бирма-бир намоён бўлади. Бу ёш талантларнинг ўзаро суҳбатлари, юриш-туришлари ва ҳаракатларидаги айрим ҳолатлар, юмористик диалоглар тамошабин томонидан самимий кутиб олинади. Улар қонкурс жюрисининг раиси, эстрада сан'ати соҳасида кўзга кўринган артист Смирнов — Сокольский раҳбарлигида ўз талантларини такомиллаштирадилар. Айрим пьесаларда муваффақият блан қатнашадилар. Тарапунька Маяковскийнинг «Ҳаммом» пьесасида бюрократ, хушомадгўй Оптимистенко ролини усталик блан ўйнайди. Тарапунька ва Штепсельлар — эстрада учун янги программа тайёрлашга киришадилар. Ҳаётдаги айрим кичик эпизодлар ва воқеалар уларни қизиқтиради. Москва кўчаларидан бирида театр афишаларини ёпиштириб юрган хотининг (артист Савва) турли ариялари ҳуштак чалиб ижро этиши уларни қизиқтиради. Ана шу воқеа жараёнида янги номер — «Қувноқ юлдузлар» программаси яратилади. Тамошабин навбатдаги кадрларда Тарапунька ва Штепсельларнинг янги номерларини кўради.

Фильм давомида бирмунча воқеалар кўз олдингизда ёрқин намоён бўлади. Булар орасида киши эсида қоладиган айрим муваффақиятли чиққан картиналар анчагина. Мактанчоқ директор образи, ўйинчоқлар номидан гапирган кўғирчоқнинг (артист Зеленая) сўзлари, турли ўйинлар шулар жумласидандир. Шунингдек эстрада оркестри иккосидаги қўшиқлар, музикалар, қувноқ юлдузлар ҳақидаги қўшиқ, балет ўйинлари акробатларнинг турли хил ҳаракатлари, айрим диалоглар, пейсажлар фильмнинг мазмунини оширишга хизмат қилади. Фильмнинг музикаси (композитор А. Цфасман) анча муваффаиятли чиққан бўлиб, унда кўпгина шўх ва қувноқ куйларни тинглайсиз.

«Қувноқ юлдузлар» фильмини яратишда киностудия коллективи самарали меҳнат сарф қилган, лекин у жиддий камчиликдан холи эмас. Сценария авторлари (Е. Помешчиков, В. Типот) ва режиссёр (В. Строева) оригинал ва бадиий фильм яратишни ўз олдиларига вазифа қилиб қўяр эканлар, материаллардан органик ҳолда келиб чиқадиган ва айрим эпизодларни, фильм қаҳрамонларини бир-бири блан маҳкам боғлайдиган бадиий шакл, мазмун яратиш устида қунт блан иш олиб боришга ҳаракат қилишлари керак эди. Лекин бу олиқаноб максадга батамом эришолмаганлар. Фильмнинг биринчи қисмида кўпгина эпизодлар ва кўринишлар бир-бирига ёпишмайди. Картинанинг мазмунига унчалик алоқадор бўлмаган воқеаларни кўрамиз. Картина авторларининг айрим фикрлари фильмдаги материалларга қарама-қарши. Фильм ёш талантларнинг маҳоратини, уларнинг янги шароитда ўзлари учун тўғри йўл белгилаб олабилишларини ва бу соҳада учрайдиган қийинчиликларга бардош берабилишларини ҳамда айрим кишилардаги салбий ва ижобий томонларни кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Броқ, бу мақсад ҳар тарафлама очиб берилмаган. Экранда ёш талантларнинг ижодини эмас, балки кекса артистларнинг ижоди кўрсатилади. Қарийб ҳамма номерларда биронта ҳам ёш артистларнинг иштирок этганини ва унинг ижодий ўсишини кўрсатиб берадиган эпизодларни учратмайсиз.

Ҳарбир миллат ўзининг бой ижодига ва талантли сан'аткорларига эга. Ажойиб рақс ва лапарларни, қўшиқ ва ашулаларни, ёқимли музика асарларни Ватанимизнинг истаган жойида учратасиз ва тинглайсиз. Лекин фильмда халқимизнинг, айниқса рус халқининг ана шу маданий ва ижодий бойликларидан етарли фойдаланилмаган. Кинофильмда қизиқчилар кўринмайди. Кўп ўринларда воқеалар бир-биридан ажралиб қолади.

«Қувноқ юлдузлар» фильми совет экранида янги темадир. Саҳна ва экранларимизда совет воқе'лиги блан чамбарчас боғланган ва турмушдаги айрим хатти-ҳаракатларни очиб беришга, меҳнаткашларни, коммунистик руҳда тарбиялашга ёрдам берадиган асарлар яратилишини совет тамошабини сабрсизлик блан кутади. «Қувноқ юлдузлар» фильм-концерт картинаси бу соҳада ташланган янги ва ижодий қадамдир.

А. ИСМОИЛОВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — Ҳамза номли театрнинг ёзги биносида — 11/VIII да **Муқимий**, 12/VIII да **Тоҳир ва Зуҳра**, қишки бинода — 11/VIII да **концерт**.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» (кундуз), НАВОИЙ номли, «ИСКРА» (кеч соат 9 гача), «ЕШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 10 гача), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» — янги бадиий фильм-концерт **Қувноқ юлдузлар.**

«РОДИНА» — кечқурун **Кубань казаклари.**

«ИСКРА» — кеч соат 9 дан **Ажойиб табиатли қиз.**

«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» — кеч соат 10 да **Ўнбеш ёшли капитан.**

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ВАТАН», НАВОИЙ номли, «9-НЧИ МАЙ», «ИСКРА», «ХИВА», ТЕЛЬМАН номли, КИРОВ номли — **Қувноқ юлдузлар.**

ПУШКИН номли — **Бой ила хизматчи.**

ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР КИНОТЕАТРИ — кундуз **Қиз кўришишга ошиқмоқда**, кечқурун **Москвада 1954 йилдаги 1-нчи Май байрами.**

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент. «Правда Востока» кўчаси, № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136, Пропаганда бўлими — 157. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135. Саноат ва транспорт бўлими — 132, Хатлар бўлими — 132 Секретариат — 34048, Э'лонлар бўлими — 38142

Р.00585 «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистонни сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1412.